O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI INV.№

Kuch — adolatda

Adolat

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-siyosiy va huquqiy gazetasi

1995 yil 22 fevraldan chiqa boshlagan ☼ 2001 yil 14 centyabr ☼ juma ☼ № 36 (323) ☼ sotuvda erkin narxda

• Оддий бир ҳақиқатни барчамиз англаб олишимиз даркор: агар одамларнинг моддий ҳаётини яхшилайдиган, кайфиятини кўтарадиган, уларни ҳаётдан рози қиладиган иқтисодиёт барқарор ривожланмас экан, қолган барча юксак даъватлар ва чақириқлар қуруқ ва баландпарвоз гап бўлиб қолаверади.

Ислом КАРИМОВ.

• Самарқанд сабоқлари

САЛОҲИЯТГА ЯРАША ИШЛАШ ЗАРУР

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясига оид мулоҳазалар

Раҳбар халқнинг бунёдкорона куч-ғайратини аниқ мақсадлар йўлига – юртнинг гуллаб-яшнашию, фаровон турмуш шароитларини яратишга қаратмоғи лозим. Токи ҳар бир меҳнаткаш ислоҳотларнинг онгли иштирокчисига айлансин. Ўз навбатида ислоҳотлар халқнинг ҳаётий манфаатларига тўла жавоб берсин. Камчилик, нуқсонларни кўра-била туриб айбдорга танбеҳ бермайдиган, юмшоқ феъли билан яхши ном олмоқчи бўлган раҳбар бугунги кун масъулияти, жавобгарлигини сеза олмас экан, халқнинг бошқарувчиси бўла олмайди. Унинг орзу умидларини рўёбга чиқара олмайди.

Халқ депутатлари Самарқанд вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида юртбошимиз томонидан ислоҳотлар ривожи чуқур таҳлил этилиб, бошқарувдаги ноқобилликка шундай баҳо берилди.

☼ ☼

Дарвоқе, мамлакатимизда улкан салоҳиятга эга бўлган Самарқанд заминида юзага келган муаммолар – иқтисодиётдаги сусткашлик, боқимандалик, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришда, ишбилармонликни қўллаб-қувватлашдаги эътиборсизлик, хорижий сармояларни вилоят иқтисодиётига жалб этишдаги хафсаласизлик, саноатда ва айниқса қишлоқ хўжалигида ҳукм сураётган танглик, давлатга ғалла, пахта сотиш режаларининг сурункасига бажарилмаётгани жиддий муҳокамаларга сабабдир.

Ислоҳотлар жараёнидаги оқсашни нима билан изоҳлаш мумкин? Деҳқон ҳам, саноатчи ҳам, ишбилармон ҳам янгича ишлашдан, янгича яшашдан умидвор. Вилоятнинг иқтисодий имкониятлари кенг. Ери унумдор, қайта ишланадиган хом ашёси, табиий ресурслари беҳисоб, жаҳон бозорида шериклик қиламан деган сармоядорлар бисёр ва бисёр. Аммо ишлар негадир олдинга силжимаяпти.

Сиртдан қараган кишига вилоят истеъмол бозоридаги манзара хотиржамлик туғдириши мумкин. Пештахталар кийим-кечак, пойафзал, рўзғор буюмлари, озиқ-овқат маҳсулотлари билан сероб. Бироқ диққат билан қарасангиз аксарияти ҳориж маҳсулоти. Вилоят омборларида эса 14 миллиард сўмлик товар маҳсулотлари чанг босиб ётибди. Бозор талабини ўрганмаслик, бозорга яраша сифатли маҳсулот чиқармаслик оқибати эмасми бу! Шу боис бугунги кунга келиб вилоятдаги йирик саноат корхоналари – 8-март бирлашмаси, «Махси» акциядорлик жамияти, «Сино», «Алпомиш» заводлари деярли бекор туриб қолган. Илгари ҳар бирида иккиуч минг киши меҳнат қилган бу корхоналар бугун ишчиларга ниманинг ҳисобидан маош бермоқда. Ахир бугун вилоятда 65 минг киши ишсиз қолгани, эскилари ёпилиб янги иш ўринлари етарлича яратилмаётгани кимни ташвишга солиши керак. Вилоятда йил бошида ишга туширилиши режалаштирилган 8 та қўшма корхонадан атиги 2 таси фаолият бошлагани-чи? Демак ҳорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик, улар ёрдамида янги иш ўринларини барпо этиш, чет эл сармояларини вилоят иқтисодиётига олиб кириш масалалари ҳам ўз ечимини тополмаяпти.

Шаҳар атрофидаги туманлардан бирининг раҳбарлари йўл ёқасидаги ёлланиб ишловчилар «бозор»ининг шундоққина биқинида кўчма вагончани келтириб қўйишган. Вақтинчалик ишга жойлаштириш маркази деб ном олган бу вагончага қанча киши кириб-чиққани номаълум. Бозор ҳамон гавжум. Нега? Сабаби шундаки, кўчма марказ бу ерга мурожаат қилган кишига тайинли иш топиб беролмайди. Ёлланиб ишловчилар эса ойлик маошини тўрт-беш кунда ишлаб топишлари мумкин. Ўша туман раҳбарлари янги, даромадли иш ўринларини яратишга хафсаласиз. Аммо ишчи кучи бозоридаги нохуш манзарани – юздан ортиқ кишининг йўл ёқасида тўпланиб туришини хаспўшлаш, мансаб курсисини сақлаб қолиш учун ҳар қандай пардоз-андозга тайёр.

Сессияда таъкидланганидек, раҳбарнинг масъулиятни унутиб қўйиши, минбарларда фақат баландпарвоз гапларни тарқатиши, ислоҳотларга юзаки қараши одамларда ҳам лоқайдлик кайфиятини уйғотади. Ишхонада аҳвол хароб, тартиб-интизом издан чиққан. Раҳбар ва жамоа бир-бирини алдаш йўлига ўтиб олган. Ислоҳотлар учун бунданда катта хавф бўлиши мумкинми?

Деҳқон ва фермер хўжаликлари вилоят қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришидаги кўпгина муаммоларни ҳал этишга қодир. Бироқ улар ялпи қишлоқ хўжалик маҳсулотининг каттагина қисмини ишлаб чиқараётган бўлсаларда, лозим деб топилган ёрдамни ололмаяптилар. Йил бошидан буён кичик ва ўрта бизнесга йўналтирилган кредитларнинг атиги тўрт фоизи уларга ажратилган, холос. Очиғини айтганда, бу ерда ҳам юзхотирчилик, таъмагирлик иллатлари авж олган. Фонд материалларини олишда ҳам аҳвол шу. Пахта хомашёси топшириш режасини уддалаган пудратчилар шартнома бўйича ажратилиши лозим бўлган ёғ ва кунжаранинг атиги 50 фоизини олган, холос. Ўзини ишбилармонларнинг ҳуқуқий ҳимоячиси деб билган вилоят деҳқон ва фермер хўжаликлари уюшмаси раҳбарияти эса жим. Шартнома шартларининг бажарилишини назоратга ололмайди. Гўё қаттиқроқ гапириб қўйса илтимоси инобатга ўтмай қоладигандек. Сен менга тегма, мен сенга... Яхши раҳбар бўлиб тўй-маъракаларда учрашиб юраверайлик, дейишдан нари ўтмайди.

Ана шундай муросасозлик ғайриқонуний ишларга, ўғирлик талон-тарожликларга йўл очмайди деб ким айта олади?

Вилоятда ўтган йили 8000 гектар суғориладиган ер ҳисоботлардан яшириб қолингани, пахта етиштирилиши зарур бўлган 1600 гектар ерга режасиз шоли экилганини ҳам фақат шу билан изоҳлаш мумкин. Ғўза сувга муҳтож. Аммо шоли кўллатиб суғорилади. Чунки унинг ҳосилига, даромадига кўз тикиб турганлар бор.

Шу боис юртбошимиз сессияда ҳаққоний таъкидлаганидек, бундай иллатлар қаршисида раҳбарнинг лоқайдлиги – жиноят. Қаттиққўллик, талабчанлик, принципиаллик хислатлари эса аксинча раҳбарнинг обрўсига обрў қўшади. Халқнинг унга нисбатан ишончини мустаҳкамлайди.

Самарқанд вилоят қишлоқ хўжалиги корхоналарида икки йилда раҳбар кадрларнинг 60 фоизи алмаштирилгани ҳам кишида нохуш тасаввур уйғотади. Гўё бошлиқ ўзгарса ишлар ўнгланадигандек. Лекин қишлоқ иқтисодиётидаги туб муаммолар ҳамон ечимини топмай келмоқда. Хўжаликларнинг тўлов қобилияти паст. Бозор асосларини деҳқончилик илми билан бирга ўзлаштирган билимдон, тадбиркор кадрларни танлаш, тарбиялашга эътибор суст. Вилоятда 267 та ширкат хўжалиги тузилган. Бироқ амалда уларнинг 56 таси дивидентлар олган холос. Шундай аҳволда қишлоқда меҳнатга рағбат уйғотиб бўладими? Бригадир, хосилот ёки раис қачонгача уйма-уй юриб одамларни далага чиқариш билан овора бўлишади?!.

Иқтисодиётдаги сусткашлик, бозор талабларини чуқур ҳис этмаслик, даромадларни излаб топмаслик оқибатида айрим туманлар дотация ҳисобига кун кўришмоқда. Ургут, Каттақўрғон, Қўшработ туманларида дотация улуши 50-80 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса ўз навбатида мазкур туманларда ўткир ижтимоий муаммоларни келтириб чиқармоқда.

Қисқаси, раҳбар ҳақида айтиладиган гаплар кўп. У ислоҳотларнинг томир уришини ҳаммадан аввал илғайдиган, машаққатлардан чўчимайдиган, ўзгалар учун ўз роҳат-фароғатидан кечадиган, юртини қадрлайдиган, унинг обрў-эътиборини баланд тутадиган инсон бўлмоғи лозим. Шундагина одамлар унга ихлос қўйишади. Ҳар қандай қийин ишларга ҳам иккиланмай дадил қўл уришади.

Вилоят сессиясида Президентимиз Ислом Каримов томонидан билдирилган танқидий фикрлар, кўрсатилган камчилик нуқсонлар фақат Самарқандгагина хос эмас. Ислоҳотлар жараёнидаги бундай камчиликларни бошқа шаҳар ва вилоятларда ҳам учратиш мумкин. Демак ҳамма жойда раҳбарга нисбатан тоштарози бир. Эполомадингизми – баҳона изламанг, ислоҳотларга тўғаноқ бўлманг.

Самарқанд ишлаб чиқариш қувватлари, ақлий ва меҳнат ресурслари, табиий имкониятларига кўра Ўзбекистоннинг олдинги сафида юриш салоҳиятига эга. Демак, шу салоҳиятга яраша ишлаш зарур.

Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
«Адолат»нинг ўз мухбири.

АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИ ПРЕЗИДЕНТИ ДЖОРЖ УОЛКЕР БУШ ЖАНОБИ ОЛИЙЛАРИГА

Муҳтарам Президент жаноблари,

Кўп минглаб бегуноҳ одамларнинг ҳаётига зомин бўлган ғайриинсоний террористик акциялар Ўзбекистон халқини қаттиқ ғазаблантирди ва қалбларни чуқур ларзага солди.

Американинг барча халқига, Сизга, жаноб Президент, ваҳшиёна террорлик ҳаракати оқибатида қурбон бўлганларнинг оиласига чуқур ҳамдардлик изҳор қиламиз. Сизнинг мамлакатингиз учун оғир бўлган ушбу дамларда ҳалок бўлганларнинг хотираси олдида бош эгиб, Сиз ўз чиқишингизда қайд этганингиздек, Америка халқи «бу синовдан ҳам ўта олишига» биз комил ишонч изҳор этамиз.

Биз террористларнинг ваҳшиёна қилмишини қатъиян қоралаймиз ва айбдорларнинг топилиши ҳамда жазога тортилишига аминмиз.

Ушбу фожеали дамларда бу даҳшатли ёвузлик – терроризмга қарши курашда бизнинг куч-ғайратларимизни бирлаштириш муҳимлигини қайта ва қайта англаётирмиз. Ўзбекистон, муҳтарам Президент, бу умумий хавф-хатар билан курашишда Қўшма Штатлар билан бундан кейин ҳам фаол ҳамкорлик қилишда ўзининг қатъийлигини яна бир бор тасдиқлайди.

Самимий ҳурмат билан,
Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти.
Тошкент шаҳри,
2001 йил 12 сентябрь.

БУНЁДКОРЛАР САРДОРИ

Истиқлол сурури чулғар элимни,
Ҳурлик эпкинлари чертар дилимни.
Аждодларим хоки – эй она ерим,
Керак эрса сенга жонимни бергум.

Ўтган ҳар кунимиз асрларга тенг,
Истиқбол йўллари ҳар жабҳада кенг,
Тарих – жавоҳирим эшигин очдинг
Ота юрт шаънини оламга сочдинг.

Забардаст меҳнатнинг меваси улуғ,
Кўпригу саройлар савлати қутлуғ,
Юртим чиройини кўз-кўзлар улар,
Бунёдкор халқимни олқишлар улар.

Бағри кенглик, камтарликни унда кўрдик,
Ҳар ишидан ибрат олиб олға юрдик.
Элим деди, юртим деди, ёнди доим,
Мартабасин улуғ қилди парвардигорим.

Сессияда гувоҳ бўлган ўша бир ҳолат,
Юртбошимиз фазилатин бойитди абад.
Орден, медаллардан кўрди минг афзал,
Халқ меҳрини қалбга жо айлаб музаффар.

Бунёдкорлар сардоридир юртбошимиз,
Савоб ишлар сарбонидир юртбошимиз.
Халқи учун ёниб яшар, элга соябон,
Бахтимизга йўлбошчимиз бўлсин соғ-омон.

Халқ меҳрини дилга тугиб юртбошимиз,
Ҳар ободлик бунёдида ишбошчимиз,
Амирларга, Темурларга эргаштирди,
Ўзбегини буюкларга тенглаштирди.

Абдували ҒУЛОММАҲМУДОВ.
Халқаро муҳандислик
Академияси академиги.

Истиқлол фидойилари

АСАКА ДОВРУҒИНИ ТАРАТАЁТГАНЛАР

Бир гуруҳ асакалик пахтакорлар республика телевидениесида «бу йил давлатга пахта сотиш шартномавий режасини Мустақилликнинг ўн йиллиги кунига бажарамиз» деган яхши ниятлари борлигини айтишганди. Шу йилгача асакалик лабзи ҳалол пахтакорлар тўрт маротаба мамлакатимизда шартномавий режани биринчи бўлиб бажаргани учун Президентимиз Ислом Каримовнинг табрик хатини олишга сазовор бўлишган эди.

☼ ☼

Бу йил асакаликлар учун қўш байрам бўлди: бир томонда Мустақилликнинг ўн йиллик тўйи шодиёналари, яна бир томонда Юртбошимизнинг бешинчи табрик хати. Бу эътироф нафақат Асака аҳлини, барча андижонликларни хушнуд қилиб юборди. Деҳқону-пахтакорларнинг бошлари осмонга етди.

Президентимиз таъбири билан айтганда, пахтачилигимиз тарихида мисли кўрилмаган воқеа – белгиланган режани август ойида бажарилишини лабзи ҳалол ва заҳматкаш деҳқонларнинг, туман аҳлининг фидокорона меҳнати самараси, андижонликларга хос ғайрат-шижоатнинг амалда намоён бўлиши деб биламиз.

Ҳа, меҳнатга муҳаббат қўйганлар ҳеч қачон кам бўлмайди. Доимо кўнгли тўқ юради. Топганлари барокатли, айтганлари ижобатли бўлаверади. Андижонлик шоир Оразий айтганларидек: «Роҳат муяссар ўлмас, то чекмасанг машаққат».

Бу улкан ғалаба ер билан тиллаша оладиган бободеҳқон қадр-қимматини жойига қўйиш, илғор технология ва илм-фан ютуқларидан фойдаланиш, чигитни плёнка остида экиш ва парваришлашнинг ҳаддисини олиш, сувни тежаб-тергаш, эртапишар, серҳосил ва толадор навларни танлаш, пахтачилик илми соҳиблари ва тажрибали деҳқонлар йўл-йўриғига қулоқ тутиш, тинимсиз меҳнатдан манфаатдорлик катта эканини англаб етиш самарасидир.

Асакаликларнинг мамлакатга бу қадар довруғли бўлишида албатта, туман раҳбари, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими Тиловолди ака Ёқубовнинг хизматлари беқиёс. Тиловолди ака Ёқубов бундан йигирма йил аввал тумандаги «Соҳибкор» мевазузмчилик ишлаб чиқариш ширкатлар уюшмасида раҳбар бўлиб ишлаган чоғларида Файзиобод қишлоғи этакларида жойлашган Асака адирларининг сувсизликдан қовжираб ётган ерлари бағрига пастдан қувур орқали сув чиқариб эзгулик кўчатларини ўтқазган эди. Мана бугун бу боғларда анору анжир, бехию бодом, шафтолию нашвати, олмаю узум болга тўлди. Ҳар гал боғни айланиб кўнглимиз хузур олганида Андижоннинг азиз-авлиё қадамжоси «Ширмонбулоқ» тоғлари бағрида яратилган боғ ижодкори Назиржон ака Сулаймонов, Самарқандда соҳибқирон Амир Темур боғларини қайта тиклашдек савобли ишга бош бўлган Пўлат ака Абдураҳмонов, Қашқадарёнинг Китоб туманидаги боғлар соҳиби Зариф ака Бурхонов, Жиззах туманидаги Ҳамид Олимжон номли хўжаликни боғу бўстонга айлантириб донг таратган Мўмин ака Қаҳҳоров, йигирма йил узлуксиз Ўзбекистон туманида раҳбарлик қилиб, тошлоқ ерларда ўн минг гектардан ортиқ боғлар барпо этишга бошчилик қилган машҳур соҳибкор, раҳматли Алижон ака Пайғамовлар бирбир кўз ўнгимиздан ўтади.

Аминмизки, бир туп мевали дарахт экиб, шу дарахт гуллаганида бир қувонсанг, меваси пишганда минг қувонасан киши. Тиловолди ака билан ўзи яратган боғни айланамиз. Боғлар билан бурканган адирнинг энг юқорисига чиқиб Андижонну Аравонни томоша қиламиз. Эсимда, бундан беш йил муқаддам ўша ерда Тиловолди ака ва ўша пайтда туман ҳокимининг биринчи муовини бўлиб ишлаган, ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси иқтисодиётни ислоҳ қилиш масалалари ва тадбиркорлик қўмитаси раиси Муҳаммаджон ака Умаралиев шундай деган эди: «Тиловолди Ёқубов ўзига боғу роғлардан ҳайкал яратган моҳир соҳибкор, пахтачилик илми устаси, тинимсиз меҳнати билан бахт ва омад топган раҳбар».

Ҳа, бу ҳақ сўз, ҳолис калом.

Йиллар ўтаверади. Инсондан фақат эзгуликлар қоладди. Тиловолди ака Ёқубов ҳам устозу шогирдлари билан Андижону Асака номини улуғлаб келаётир. Шундай одамлар бор бўлаверсин.

Қўлингизга тўлдириб оппоқ пахтани ушлаб кўрингга, бободеҳқон қалбидек поклиза хис туйғуларга ошна бўласиз. Пахтакор меҳнатига тасаннолар айтасиз.

Биз чигитни плёнка остига экиб, бутун мамлакатга донг таратган, бугун эрта зафар маррасига етиш ниятидаги андижонликларнинг оппоқ-оппоқ пахталаридан уюлган хирмонларига яратганнинг ўзи барака ато этаверсин.

Дилмурод ҚИРҒИЗБОЕВ,
«Адолат» мухбири.

Омад ёр бўлаверсин, андижонлик пахтакорлар!

• «Обуна – 2002»

«АДОЛАТ» ҲАМРОҲИНГИЗ БЎЛСИН!

Одам боласи пайдо бўлибдики, фақат бир нарсага – адолатга талпиниб, интилиб яшайди. Шунинг учун ҳам ота-боборларимиз минг кунлик тоат-ибодатдан бир кунлик адолат афзал, деб бежиз айтишмаган. Ҳақиқатдан ҳам шундай:

АДОЛАТ – биз зулматни ёритиб чиққан қуёш;
АДОЛАТ – дунёнинг тинчлиги, осойишта ҳаётимиз манбаи;
АДОЛАТ – Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида қилинаётган улкан ишларнинг мажмуи.

Қисқаси, Амир Темур бобомиз айтганларидек, «Куч – адолатда».

Ҳа, адолат шундай: ўлмас сўз, улкан мўъжиза. У доимо Сизу биз билан, шундоққина ёнимизда юради. Ҳақни ҳаққа, пучакни пучакка ажратиб олишимизга имкон беради. Кундалик ҳаётимизда адолат тамойилларининг барқарор бўлишини таъминлайди ва шу йўлда хизмат қилади. Ва яна...

Шошманг. Адолатнинг бошқа хусусиятларини, кучу қудратини билмоқчимисиз. У ҳолда сизга ҳар доимгидек «Адолат» газетаси ёрдам беради. Ўзининг кўп минг кишилик ўқувчиларига эга бўлган республикамизнинг бу йирик ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий газетаси орқали Сиз дунёнинг энг сўнгги янгиликларидан хабардор бўласиз. Юртимизда амалга оширилаётган ишлар, иқтисодий ислоҳотлар изчил ёритиб борилади. Одамларнинг тақдири билан боғлиқ турли суд очеркларини, фельетонлар, туркум материалларни ўқиб, мазза қиласиз ва ҳаётдан ўзингизга тегишли хулоса чиқарасиз.

Эртага – 15 сентябрдан бошлаб республикамизнинг барча алоқа бўлимларида Сизнинг севимли газетангиз – «Адолат»га 2002 йил учун обуна расмийлаштирила бошлайди. Вақтни бой берманг. «Адолат» доимий ҳамроҳингиз бўлсин!

«Адолат»нинг нашр кўрсткичи – 100.

«Пахтабанк» тизимида

ТАДБИРКОРГА ЕЛКАДОШ

Маълумотларга кўз ташласангиз, ҳозирги кунда иш билан банд бўлган аҳолининг ҳар уч нафаридан бири кичик ва ўрта бизнес вакили.

Давлатимиз раҳбари Ислом Каримов кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришни, хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашни давлат сиёсати даражасига олиб чиққанлиги бежиз эмас. Дунёдаги энг илғор давлатлар иқтисодиётининг жуда тез ривожи топишида ҳам кичик ва ўрта бизнес муҳим рол ўйнаган.

Юртимизда мустақиллик шабодаси эса бошлагач акционерлик тижорат банклари кўпайди. Банкларнинг тадбиркорликни ривожлантириш учун ажратаётган кредитлари миқдори кескин кўпайди. Мижозлар учун яратилаётган қулайликларни Андижон вилояти Пахтаобод туманидаги «Пахтабанк» бўлими мисолида кўриш мумкин. «Пахтабанк» бўлими туманда фаолият кўрсатаётган 308 та хўжалик юритувчи субъектларга хизмат кўрсатиб келмоқда. Булардан 104 таси қишлоқ хўжалиги корхоналари ва деҳқон-фермер хўжаликларини ташкил этса, 90 таси якка тартибдаги ўрта ва кичик бизнес вакилларидан иборат.

Жорий йилни ўтган олти ойида 47 миллион 720 минг сўм қисқа муддатли кредит, 10 миллион 600 минг сўм ўрта муддатли кредит берилди. 13 нафар мижозга эса 13 миллион 320 минг сўмдик микрокредит ажратилди. Ўтган йилнинг шу даврига таққосласак, кредит олган мижозлар сони ва берилган кредит миқдори анча юқори бўлди.

Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тижорат банкларининг кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришда қатнашишини рағбатлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори талабларини бажариб, банк жамоаси ўз фойдаси ҳисобидан махсус жамғарма ташкил этди. Маҳаллий саноатни ривожлантириш учун уч нафар тадбиркорга икки ярим миллион сўмлик имтиёзли кредит берилишини таъминлади. Банк юқоридаги ишларни бажариш билан туманда қўшимча ишчи ўринларини барпо этишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Илғор техника воситалари билан жиҳозлаш, кадрлар малакасини мунтазам ошириб бориш, мижозларга илғор мамлакатлардаги каби намунали хизмат кўрсатиш учун астойдил изланилаётир. Буларнинг ҳаммаси «Пахтабанк»нинг жаҳон андозалари даражасида ишлашга интилаётганлигидан далолатдир.

Албатта, «Пахтабанк» бўлимининг ривож топишида шу соҳада суяги қотган, ишбилармон ва билимдон мутахассис, банк бошқарувчиси Мамирбек ака Шамшиевнинг хизматлари катта. Жамоада жонбозлик билан ишлаётган Матлуба Маҳкамова, Элла Эгай, Қодиржон Болтабоев, Абдурасул Нўмонмирзаевларнинг номларини тилга олсак арзийди.

– Банкимиз томонидан кичик ва ўрта бизнес субъектларини бюджет жамғармалари ҳисобига кредитлаш йўлга қўйилган. Мижозлар манфаатини улуғлаган банк жамоасининг ишлари юришаверади, – дейди биз билан суҳбатда М. Шамшиев. – Тадбиркорларга елкадошмиз. Уларнинг ютуғи – бизнинг ҳам ютуғимиз. Улар давлатманд бўлиб иқтисодий ривож топса, биз ҳам манфаат кўрамиз. Шундай экан, ҳар бир мижозга алоҳида эътибор билан муносабатда бўлиш асосий вазифамиздир.

Бугун Пахтаобод далаларида пахта йиғим-терими авжида. Теримчи ва ижарачиларнинг қўли-қўлига тегмайди. Деҳқон фермерлар йил бўйи пешона тери эвазига йиғиштирган ҳосилидан кўнгли тўқ. Улар пахта даласида иш ҳақларини олишмоқда.

Банк ходимлари ва мижозларнинг мақсади бир: берилган микрокредитларни асосан туманда ишлаб чиқаришни ривожлантиришга, кичик ва ўрта тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга, уларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришдаги ҳиссасини оширишга йўналтириш. Энг қувончлиси, тумандаги қадимдан мерос бўлиб келаётган миллий ҳунармандчилик кўзга кўриниб қолди. Мебелсозлар сафи кенгайди. Чорвачилик ҳам жонлана бошлади. Аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш ҳам муҳим. Сифатли нон, макарон ва қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун уч миллион уч юз минг сўм кредит берилган.

Хуллас, банк ходимларининг ниятлари улуғ: тадбиркор ва ишбилармонларга доимо мададкор бўлиш.

Дилором НИШОНОВА,
«Адолат»нинг жамоатчи мухбири.

Миллий истиқлол мафкураси

ДАВЛАТ ТАФАККУРИ ЮКСАКЛИГИДА

«Шарқ» нашриёт матбаа акциядорлик компанияси Ўзбекистон мустақиллигининг 10 йиллигига бағишлаб энг сара асарлар учун ўтказган танловда таниқли ёзувчи, драматург ва моҳир публицист Абдуқаҳҳор Иброҳимовнинг «Йўлбошчи – миллат шарафи» асари ғолиб деб топилди. Ҳозирги кунда компания Бош муҳарририяти ушбу асарни нашрга тайёрламоқда. Қуйида мазкур асардан бир боби эътиборингизга ҳавола этилмоқда.

Муайян бир ижтимоий гуруҳнинг туб манфаатларини назарий асословчи ва ҳимоя қилувчи фалсафий, сиёсий, ҳуқуқий, диний, эстетик қарашларнинг бутун бир тизими муайян МАФКУРА дейилади. Ана шу қарашларнинг бутун бир тизими муайян миллатнинг туб манфаатларини асосласа, ҳимоя қилса ва ўзида зуҳур эттирса, у ҳолда у МИЛЛИЙ МАФКУРАга айланади. Демак, мафкура тушунчасидан миллий мафкура тушунчасининг қамрови кенг, мақсади ва моҳияти, мазмуни ҳам тайиндир. Масалан, бизнинг миллий мафкурамизнинг мазмуни, „маконию маскани ўзбек миллати, Ўзбекистон халқи ва Ўзбекистон Республикасидир. Бинобарин, миллий мафкура маълум бир миллат бағрида, муайян бир ҳудудда туғилади, униб-ўсади, ўзига хос бўлади ҳамда шу ҳудуд доирасида иш кўради. Доимо фаолиятда бўлади, сира тинч турмайди, сукут сақламайди. Тўғри, миллий мафкуранинг фаолияти гоҳо сусайиши, гоҳо кучайиши мумкин. Бу кўпгина ички ва ташқи омилларга, тарихий шароитларга, объектив ва субъектив ҳолатларга, миллат тақдирида ижобий ёки салбий рол ўйнаган тарихий шахсларнинг фаолиятларига боғлиқдир. Юқорида айтиб ўтганимиздек, ўзбек миллати қачон миллат бўлиб шаклланган бўлса, ўшандан бери миллий мафкурамиз бўлган. Чоризм мустамлакачилиги ва шўролар замонида ҳам, миллий мустақилликка эришиш арафасида ҳам миллий мафкурага эга эдик. Ўтган аср саксонинчи йилларининг охирларида миллий мафкурамиз кучга тўла бошлади. Юртбошимиз Ислом Каримов ана шу тарихий жараёнда етакчиликни қўлга олди, тўғри йўналишга сола билди ҳамда миллий мафкурамизни МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ МАФКУРАСИ даражасига етказди. Ана шу миллий истиқлол мафкураси туфайли халқимиз озодликка эришди, миллатимиз мустақил бўлди, 1991 йилнинг 31 августида Узбекистон Республикасининг Давлат Мустақиллиги қабул қилинди. Шу қутлуғ кун – миллий давлатчилигимиз қайта тикланган сана бўлиши баробарида миллий истиқлол мафкурамиз ҳам расман татбиқ этилган ва жорий қилинган кундир, десак арзийди. Бинобарин, Йўлбошчимиз Ислом Каримов миллий истиқлол мафкурамизнинг асосчиси ҳамдир.

Мафкуранинг негизи бўлмиш фикр ўзича бетарафдир. Ҳамма гап ундан не мақсадда фойдаланишдадир. Масалан, Альберт Эйнштейннинг нисбийлик назарияси ўзича буюк бир кашфиёт эди. Ундан яхши ниятли кишилар инсоният равнақи йўлида фойдалана бошладилар, бошқалар эса шу кашфиёт асосида ядро қуролини яратдилар. Ҳаракатдаги фикр бўлмиш мафкура, бу ўринда бизнинг миллий истиқлол мафкурамиз, буткул некбин мақсадларни кўзлайди. Юртбошимиз айтганларидек, бу мафкура фарзандларимиз, невара-чевараларимизнинг бизлардан фаровон, бахтли-саодатли яшашларига, Ўзбекистон деган юртимиз дунё тургунича туришига қаратилгандир.

2001 йилнинг январ ойида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида фармойиш қабул қилинди.

Айрим кишиларда «Миллий истиқлол ғояси, асосий тушунча ва тамойиллар» фани мамлакатимиздаги барча ўқув юртларида ўқитилиши давлат мафкураси ўрнатилишига олиб бормайдими, деган фикр пайдо бўлмоқда, бу ҳақда суҳбат ва мулоқотларда саволлар тушмоқда. Йўқ, бу борада ташвиш тортмаса ҳам бўлади. Узбекистон Республикасида бунга йўл қўйилмаслиги қонун билан кафолатланган.

Биринчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси 1-моддасининг биринчи бандида, жумладан, бундай дейилади: «Ўзбекистон – суверен демократик республика» (Таъкид бизники – А. И.). Таъкидимиздан кўриниб турибдики, Ўзбекистон – демократик давлат. Давлатимиз инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодларидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир. Республикамизда кўп партиявийлик ҳолати мавжуд. Ҳозир тўртта сиёсий партия ва «Халқ бирлиги» ҳаракати фаолият кўрсатмоқда.

Иккинчидан, Конституциямизнинг 12-моддаси иккинчи бандида бундай дейилади: «Ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас». Уйлаймизки, бу конституциявий қоида ҳеч бир изоҳсиз ҳам тушунарли ва аниқдир.

Учинчидан, Асосий Қонунимизнинг 93-моддасида, жумладан, бундай дейилади: «Узбекистон Республикасининг Президенти:

1) фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларининг, Конституция ва қонунларга риоя этилишининг қафилидир...». Яъни Президентимиз Узбекистон Республикасининг Бош прокурори ва унинг ўринбосарларини тайинлайди. Уларни лавозимидан озод қилади, кейинчалик бу масалаларни Олий Мажлис тасдиғига киритади. Давлатимиз раҳбари Олий Мажлисга Конституциявий суд раиси ва аъзолари, Олий суд раиси ва аъзолари, Олий хўжалик суди ва аъзолари лавозимига номзодларни тақдим этади; вилоят, туман, шаҳар ва хўжалик судларининг судьяларини тайинлайди ва лавозимларидан озод этади; Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига доғ туширадиган хатти-ҳаракат содир этган вилоят ҳокимларини ўз қарори билан лавозимидан озод этади.

Бинобарин, юқорида кўрсатиб ўтганимиз – Конституциявий учта асосга кўра ҳам Республикамизда ҳеч қайси мафкура давлат мафкураси сифатида ўрнатилиши мумкин эмас. Бу ҳақда ташвиш чекишга ҳожат йўқ.

Президентимизнинг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши миллий истиқлол ғояларини халқимиз, аввало, ёшларимиз онгига сингдиришга қаратилган ўқув, илмий-услубий ва тарбиявий ишларнинг самарадорлигини таъминлаш ва янада такомиллаштириш мақсадида қабул қилинган.

Маълумки, 2000 йилнинг октябр ойида «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» номли рисола нашр этилиб, тегишли вазирлик, ташкилот ва муассасаларга, шунингдек, соҳа мутахассисларига тарқатилган эди. То юқорида тилга олинган Фармойиш чиққунига қадар ўтган давр мобайнида мамлакатимизда «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар» фанини ўқитиш юзасидан муайян ишлар амалга оширилди. Шу жумладан, Халқ таълими ҳамда Олий ва ўрта махсус таълим вазирликларининг таълим турлари ва босқичларида белгиланган соат ҳажмлари ўтилди, профессор-ўқитувчилар малака ошириш курсларидан ўтказилди; педагог кадрлар учун тажрибавий дастурлар, маъруза матнлари ва ўқув қўлланмалари тайёрланди; ўқувчи ва талабалар билимини назорт қилишнинг турли шакллари ишлаб чиқилди. Фан ва техника қўмитаси томонидан эса миллий истиқлол ғоясининг илмий асосларини ишлаб чиқишга бағишланган давлат илмий-техник дастури шакллантирилди. Шу тарика республикамизда яна бир фанга асос солинди. Мазкур янги фаннинг тамал тоши ҳам Ислом Каримов томонидан қўйилди. Юртбошимиз бу борада ҳам ташаббускор ва асосчиси бўлди. Бу воқеа янги минг йиллик ва янги аснинг биринчи йилида, мамлакатимизда «Оналар ва болалар йили» деб эълон қилинган 2001 йилда содир бўлгани алоҳида мазмун касб этади. Ватанимиз, давлатимиз ва халқимизнинг келажаги янада порлоқ эканига ишончимизни оширди.

Ушбу Фармойишга биноан миллий истиқлол ғоясини халқимиз, аввало, ёшларимиз онгига сингдириш жараёнини таҳлил қилувчи ва такомиллаштирувчи махсус методологик комиссияси таркиби тасдиқланди. Унинг зиммасига Халқ таълими, Олий ва ўрта махсус таълим вазирликлари ҳамда Фан ва техника давлат қўмитаси томонидан амалга оширилган ишларнинг таълим жараёнига жорий қилинишини ўрганиб бориш топширилди. Шунингдек, комиссия Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими маркази, Фан ва техника давлат қўмитаси ҳамда Фанлар академияси билан биргаликда бир қатор муҳим вазифаларни амалга ошириш лозим. Шу жумладан, тайёрланаётган дарслик ва ўқув қўлланмалар юқори малакали экспертлар муҳокамасидан ўтказилиб, уларнинг мазмунига алоҳида эътибор берилди. Жорий ўқув йилининг якунига қадар миллий истиқлол ғоясини ёшлар онгига сингдиришда дарсларнинг ноанъанавий шакл ва услублари ишлаб чиқилди, улар эксперименталмайдончаларда синовдан ўтказилади, ижобий натижалар эса янги ўқув йилидан бошлаб таълим жараёнига кенг жорий қилинади. Олий таълим муассасалари учун маъруза матнларини яратиш, чоп этиш ва жойларга етказиб бериш ҳам долзарб вазифалардандир.

Маълумки, ўрта таълим муассасаларида қўлланиб келинаётган «Одобнома», «Ватан туйғуси», «Миллий истиқлол ғояси ва маънавият асослари» дарсликлари нашр этилганидан буён орадан анча вақт ўтди, уларга қўйиладиган талаблар даражаси ошди. Шу ҳолни назарда тутиб, ушбу дарсликларни қайта ишлаб, 2001-2002 ўқув йилининг бошланишига қадар чоп этиш ва жойларга етказиш лозим, деб топилди. Шунингдек, ушбу Фармойишда жорий йилда тажрибавий қўлланмани яратиш,Давлат матбуот қўмитаси билан ҳамкорликда чоп этиш ҳамда жойларга етказиш, жорий ўқув йилида орттирилган тажриба ва синовдан ўтган методик ишланмалар асосида мазкур фандан дарс берувчи профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш каби вазифалар ҳам кўзда тутилган. Хуллас, кенг қамровли бу Фармойишни турмушга татбиқ этиш барча зиёлиларимиздан ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишни тақозо қилади. Зеро у миллий истиқлол ғояларини халқимиз, аввало, ёшларимиз онгига сингдиришдек олижаноб ва буюк мақсадга қаратилгандир. Миллий истиқлол ғояси эса мустақиллигимизнинг тамал тоши, барча ютуқларимизнинг яловбардоридир.

Мустақиллик – халқимизнинг XX аср сўнгида қўлга киритган улкан тарихий ғалабаси. Ўн йиллик мустақил тараққиёт ҳаётимизда алоҳида босқич, янги бир давр бўлиб қолажак. Қутлуғ анъанага айланиб қолган энг улуғ, энг азиз айёмимиз – истиқлол айёмини кенг нишонлаш юртдошларимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий тафаккурини юксалтиришда, олдимизда турган буюк мақсадлар сари сафарбар қилишда беқиёс аҳамият касб этишини, истиқбол режаларини ана шу ҳақиқатни англаш асосида белгилаш заруратини инобатга олиб, Вазирлар Маҳкамаси «Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида» Қарор қабул қилди.

Халқимизнинг руҳини беҳад кўтариб, келажакка ишончини ошириб юборган ушбу қарорга биноан Узбекистон Республикаси Мустақиллигининг 10 йиллигини нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш республика комиссияси таркиби, Узбекистон давлат Мустақиллигининг 10 йиллигини кенг нишонлаш бўйича дастур ҳамда ўзбек миллий давлатчилиги тарихини, унинг тараққиёт босқичлари ҳамда илмий-назарий масалаларини ўрганиш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш бўйича махсус ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланган. Унинг зиммасига кўп улуғ ва қутлуғ вазифалар юкланди. Шу жумладан, миллий давлатчилигимизнинг кўпминг йиллик тарихини, мустақиллик йилларида унинг негизида тикланган замонавий ўзбек давлатчилигининг ўзига хос тараққиёт тамойиллари, жамиятимизнинг пировард мақсадларини илмий-назарий жиҳатдан асослаб бериш, буюк аждодларимиз дунё илм-фани ва маданияти ривожига қўшган бебаҳо ҳиссасини, улар яратган фалсафий таълимотларни ўрганиш, зарур хулоса ва сабоқлар чиқариш лозим.

Маълумки, мустақиллик ўз-ўзидан келмайди, у берилмайди, у курашиб ва талаб қилиб олинади. Озодлик йўлида ото-боболаримиз кураш олиб борганини илмий истиқлол ғояси асосида фуқароларимиз, айниқса, ёшларимиз онгига сингдириш лозим. Ёшлар қалбида буюк аждодларимиз томонидан яратилган бой илмий-маданий мероса ворислик ва ифтихор туйғуларини уйғотиш, миллий ва умумбашарий қадриятлар уйғунлигига эришиш, жамиятимизда турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик, тотувлик, диний бағрикенглик муҳитини қарор топтириш борасидаги амалий ишлар мазмунини кенг таҳлил қилиш лозим.

Истиқлол шарофати билан халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти том маънода юзага чиқди. Халқ хўжалигининг кўп соҳаларида ютуқларга эришилди. Эркин ва фаровон ҳаёт барпо этиш, баркамол авлодни вояга етказиш мақсадида катта ишлар амалга оширилмоқда. Ана шулар туфайли Ватанимиз дунё ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин эгаллаб бораётганини чуқур асослаб бериш лозим. Бу ўринда шуни мамнуният билан алоҳида таъкидлаб ўтиш зарурки, истиқлол йилларида қўлга киритилган барча ютуқларимизга муҳтарам Ислом Каримов етакчилигида эришдик.

Қадим ўз миллий давлатчилигига эга халқларда ижобий маънода давлат киши деган ибора қўлланилади. Давлат киши деганидек давлат тафаккурига эга шахс демакдир. Бундай шахс кўп томонлама етук бўлиб, бутун онгли фаолиятида, ҳар бир хатти-ҳаракатида Ватан, халқ манфаатини бир зум бўлса-да, хаёлидан соқит қилмайди, ўз маслакий қарашларини (масалан, мафкуравий, касбий ва шулар кабилар) умумхалқ, умумдавлат манфаатларига уйғунлаштира боради, халқ ва мамлакат фаровонлиги ва ободонлигида ўз фаровонлигини кўради, давлат қудратида ўз куч-қувватини ҳис этади, ўз қисматининг халқи тақдиридан ташқарида бўлмаслигини чуқур идрок қилади, фуқаролик туйғуси кучли бўлади. Ҳаммалари ўз қисматлари янада яхши бўлиши учун бир ёқадан бош чиқариб иш тутадилар, курашадилар. Уларда ялпи сафарбарлик туйғуси, иштиёқи ва шижоати кучли бўлади.

Энди хулосага келсак бўлади. Давлат тафаккури давлатни тутиб турувчи, унинг пойдор бўлишини таъмин этувчи, равнақ топишига омил бўлувчи, қуёш янглиғ барча фуқароларга бирдек зиё бахш этувчи бош ғоядир.

Давлат тафаккури миллий истиқлол ғояларимизни ўзида мужассам этади, мамлакатимизда яшовчи барча фуқароларнинг манфаати ва иродасини ифодалайди, келажаги буюк давлат қуришимизда йўлчи юлдуз бўлиб хизмат этади, азиз Ватанимизнинг тоабад мустақил ва демократик, мутараққий давлат бўлиб қолишини таъмин этади. Шуни унутмаслик зарурки, давлат тафаккури оёққа турib олган, келажаги янада порлоқ бўлиши муқаррар бўлган давлатига ва Йўлбошчисига эга халқдагина бўлади. Бизким, ўзбеклар ана шундай халқ бўла олганимиз билан том маънода фахрлансак арзийди.

Абдуқаҳҳор ИБРОҲИМОВ.

ЎЗБЕКИСТОН – «БУЮК ИПАК ЙЎЛИ»НИНГ ҚАДИМИЙ ВОРИСИ

Энг қадимий Хитой йилномаларида, архив материалларида, қисман «Авесто» ва «Маҳабҳорат» асарларида, шунингдек, академик Яҳё Ғуломовнинг илмий асарларида берилган маълумотларга қараганда, милоддан аввалги 130-140 йилларда Қанға ва Бақтерия давлатларини бирлаштирган Кушон подшолиги таркиб топган бўлиб, унинг дастлабки маркази ҳозирги Сурхондарё вилоятидаги Далварзинтепа ўрнида жойлашган эди.

Кушон подшолиги милоддан аввалги I асрнинг охири ва III асрнинг бошларида гуллаб-яшнади. Унинг ҳудуди йиллар ўтган сари кенгайиб борди. Бутун Марказий Осиё, жумладан, Афғонистон, Покистон, Ҳиндистоннинг шимолий қисми, Шарқий Туркистонни ва бошқа ҳудудларни ўз ичига қўшиб олиб, ўша даврларда Кушон империяси деб аталган.

Ўша кезларда ҳинду, форсий, пуштун ва туркий халқларнинг бир-бирига яқинлашуви натижасида урф-одатлар уйғунлашиб, бир бутун маданият вужудга келган. Айниқса, подшох Канишка I даврида Кушон — Бақтерия маданияти гуллаб-яшнади. Аҳоли, асосан, оташпарастликка, будда ва Маканна мазҳабига эътиқод қилган. Канушка I даврида Будда ибодатхоналари қурилган. Далварзинтепа ва фаёзтепадан топилган Кушон шаҳзодаси ҳамда Будда ҳайкаллари Батҳисотва фикримизнинг яққол исботидир.

Кушонлар подшолиги ерларидан ўтган «Буюк Ипак йўли» ташқи савдонинг ривожланишига ижобий таъсир кўрсатди. Бир неча янги шаҳарлар қурилди. Бу шаҳарларда ҳунармандчилик ва савдо ривожланиб, хорижий мамлакатлардан келган савдогарлар билан савдо қиладиган савдо расталари ва ярмаркалар ташкил этилган. Бир неча карвонсаройлар қурилган.

Ички ва ташқи савдонинг ривожланиши аҳоли ўртасида ёзувнинг тарқалишига имкон яратди. Ораший, сўғди ва Хоразмий ёзувлари, ҳинду алифбосига асосланган қарашинҳа ёзувлари ана шу тариқа пайдо бўлган. Ёзувнинг пайдо бўлиши қоғозга бўлган эҳтиёжни яна ҳам кучайтирди. Шундай қилиб, қадимги Афросиёбда (Самарқанд) қоғоз ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўша кезларда Самарқанд қоғози шундай машҳур бўлиб кетдики, Оврўпонинг кўплаб мамлакатларида бу ипакдан ишланган Самарқанд қоғозларидан қоғоз пул тайёрлашда кенг фойдаланган эдилар.

Кушонлар ҳукмронлиги ерларидан, яъни, қадимий Ўзбекистон бўйлаб ўтган «Буюк ипак йўли» бу мамлакатларнинг иқтисодий ва маданий тараққиётига жуда катта ҳисса қўшган. Унинг «Буюк ипак йўли» деб аталишига сабаб, Хитойдан асосан ипакдан тўқилган шойи, ипак матолар, ипак маҳсулотлари келтирилиб савдо қилинган.

Қадимги Турон буюк давлати бўлган Кушон салтанати милоддан аввалги бир мингинчи йили ўрталарида ижтимоий ва иқтисодий ҳаётда содир бўлган ўзгаришлар боис, асрлар давомида ҳукмронлик қилган Кушон империяси инқирозга юз тутди.

Унинг ўрнида бир неча давлат, Хоразм давлати, кейинроқ, V асрнинг 20-йилларида Ҳидирийлар давлати ва V асрнинг ўрталарида Эфталийлар давлатлари ташкил топди.

Илк ўрта асрларга келиб, эфталийлар даврида «Буюк Ипак йўли»нинг мавқеи яна ҳам ошди. Ташқи савдонинг ривожланишида Хитой, Ҳиндистон, Эрон ва Византия давлатлари фаол қатнашдилар. Хитой билан Византия асосан ипак, шойи, рангдор шиша, қимматбаҳо тошлар, турли бўёқлар ва ҳар хил зироварлар билан савдо қилди. Марказий Осиёдан Хитойга олтин, кумуш, Бадахшон лаъли, Самарқанд қоғози, шиша, қорақўл териси ва тулпор отлар жўнатилди. «Ипак йўли» савдосида, асосан суғдийлар воситачилик қилишди. VI асрнинг 70-80 йилларига келиб, Энасойнинг юқори оқимидан то Амударё бўйларигача, Манжуриядан то Басфорқўлтиғигача ястаниб ётган улкан кенгликлар майдонида аҳолиси асосан ўтроқ ва кўчманчи қабилалардан иборат бўлган буюк турк ҳоқонлиги ташкил топди.

Буюк турк ҳоқонлиги деб аталган бу улкан давлат ҳам «Ипак йўли»га жойлашган бўлиб, Хитой, Эрон ва Византия каби йирик давлатлар билан иқтисодий ва сиёсий муносабатларни ривожлантирди. Бу давлат Узоқ Шарқ билан Ўрта ер денгизи бўйидаги мамлакатларни боғловчи «Ипак йўли» устидан ўз назоратини ўрнатди. Бир неча асрлар ўтгач, XIV асрда Амир Темур ҳокимият тепасига келди. Унинг Ватанимиз тарихида тутган ўрни бениҳоят каттадир.

Амир Темур мўғул босқинчиларининг бир ярим асрлик ҳукмронлигига, феодал тарқоқлик, маҳаллий ҳокимларнинг ўзаро урушларига барҳам берди. Қадимий Турон тупроғида мустақиллик тикланди. Марказий Осиё ва Ўрта Шарқ мамлакатларини бирлаштирган, жаҳоннинг буюк салтанатлари қаторидан ўрин олган улкан давлат ташкил топди.

Амир Темур илм-фан, маданият, маънавият ва мафкуранинг хомийси сифатида жаҳонга танилди.

Темур ва темурийлар ҳамда уларнинг жойлардаги ноиблари Марказий Осиё орқали Яқин Шарқ ва Оврўпа мамлакатларига йўналган асосий халқаро савдо йўли — «Буюк Ипак йўли»ни назорат қилиб, савдо карвонлари қатнови хавфсизлигини таъминлашда муҳим чора-тадбирлар кўрдилар.

Турон тупроғида жойлашган Мовароуннаҳр ёки Туркистон, Ўзбекистон, асрлар мобайнида жаҳон тараққиётини бешиги бўлиб келди. «Буюк Ипак йўли»га жойлашган Шарқ билан Ғарб мамлакатларини боғловчи, уларнинг савдо-иқтисодий ва маънавий ҳамкорлигини бирлаштирадиган ҳудудга айланди.

Бу она Ватан, Ўзбекистон — буюк сиймолар жаҳонга юз тутган табаррук заминдир. Халқимиз — Исмоил Бухорий, Аҳмад ал-Фарғоний, Фаробий, Аҳмад Яссавий, Баҳовуддин Нақшбанд, Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Навоий, Улуғбек, Бобур каби мутафаккирлари билан фахрланадилар ва уларни бой маънавий меросига суянади.

Президент Ислом Каримов мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ аждодлар меросига асосланган беш тамойилни — жамият ривожланишининг Олий йўналишини белгилаган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг Олий Мажлисининг ўн тўртинчи сессиясида янги минг йилликнинг арафасида мамлакат ривожланишининг бош стратегиясини белгилаб мустақил мамлакат тараққиётининг беш йирик йўналишини кўпчиликнинг фикрига ҳавола қилди. Президентимизнинг мамлакат ривожланиш стратегиясининг маънавий масъулияти ҳозирги замон иқтисоди, сиёсати ва ижтимоий ҳаёт билан уйғунлаштириб, фуқароларни XXI аср ҳаёт чашмаларидан баҳраманд қилишдир. Шу сабабдан «Буюк Ипак йўли»га жойлашган Ўзбекистоннинг XXI асрда ҳам шу карвон йўлининг ривожланишида катта манфаатлари ётади. Бундан икки минг йил илгари Марказий Осиёнинг иқтисодий мақомини, яъни, Ғарб билан Шарқни бир-бирига боғлаган Ипак йўлини тиклаш борасида Юртбошимиз Ислом Каримов жонбозлик кўрсатмоқда. «Буюк ипак йўли»ни қайта тиклаш ғояларининг яна юзага чиқиши бу йўлнинг инсоният тараққиёти ютуқларидан фойдаланган ҳолда ушбу йўлни қайта тиклаш Хитой ва унинг атрофидаги мамлакатларни Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикалари, Эрон ва Туркия орқали Европа мамлакатлари билан боғлашда темир йўллардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлишини тушунишимиз мумкин. Айни вақтда ушбу йўлга муқобил иккинчи йўналиш — Қозоғистон ёки Туркманистон орқали Каспий денгизи ва ундан Кавказ республикалари орқали Қора денгизга чиқиш, шу йўналишлардан қуруқликлардан автомобиль, айниқса темир йўллар ўтказиш, охир-оқибатда жаҳон океани савдо йўлларига кириб бориш минтақамиздаги бошқа мамлакатлар каби Ўзбекистон учун ҳам беқиёс аҳамиятга эга.

Айниқса 1998 йил Боку ва бошқа шаҳарларда Ўзбекистон, Грузия, Озарбайжон, Украина, Туркманистон ва Малдово Президентларининг учрашувларида Президентимиз Ислом Каримов ўзининг ҳамма учун маъқул бўлган таклифлари ва тавсиялари билан нутқ сўзлаган эди. Юртбошимизнинг ташаббуслари билан «Буюк ипак йўли»нинг дастлабки қурилишлари аллақачонлар бизда бошлаб юборилган.

Қамчиқ довонидан ўтадиган Тошкент — Андижон — Ўш — Эргаштом — Қашқар халқаро магистрал йўли қурилиши жадал суръатларда олиб борилмоқда. Халқаро андозаларга жавоб берадиган Хитой Халқ Республикаси орқали Тинч Океани портларига, у ердан Жанубий Корея орқали Японияга, жанубдан Қирғизистон, Афғонистон ва Ҳиндистон орқали Ҳинд океани ва Араб мамлакатларига, Ғарбдан эса Туркманистон, Кавказ, Эрон ва Туркия орқали Ўрта ер денгизига чиқиш режалаштирилган.

Демак, «Буюк ипак йўли» қуриб битказилса, Марказий Осиё мамлакатларининг ва Кавказ давлатларининг Ғарб томонидан катта савдо эшиги очилади, алоқалар ривожланади, жаҳон бозорига чиқиш учун имкониятлар яратилади. Айниқса «Буюк ипак йўли»нинг қадимий вориси бўлган Ўзбекистоннинг «Буюк ипак йўли» доирасида фаол қатнашиши XXI аср иқтисодий мақсадларимизни амалга ошириш учун кенг имкониятлар очилади.

Муҳаммаджон ЎРМОНОВ,
тарихчи олим.

ЁШЛАР ВА МАЪНАВИЯТ

Ёшларни миллий истиқлол руҳида тарбиялаш долзарб масала бўлиб, ушбу муаммо аллақачоноқ давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айланган. Ёшларни миллий ўзликни англашга ўргатиш, миллий қадриятларга, она Ватанга муҳаббат руҳида тарбиялаш борасида Узбекистон миллий университети тарих факультетида ҳам кўплаб хайрли ишлар олиб борилмоқда.

«Терроризмга қарши кураш ва унинг моҳияти», «Огоҳлик – давр талаби», «Гиёҳвандлик ва унинг салбий оқибатлари» ва бошқа кўплаб мавзуларда учрашувлар, суҳбатлар, мунозаралар олиб борилди. Тарих факультети талабаларининг маънавий ҳаётини юксалтиришда театрлар катта рол ўйнайди. Чунки жонли томошалар кўп бора ўқигандан кўра каттароқ тасаввур бера олади. Факультет раҳбарияти бўлажак мутахассис ёшлар учун муҳим бўлган тарихий мавзуларга алоҳида эътибор бермоқда.

Яқинда Республика ёш томошабинлар театрида Абдулла Авлонийнинг «Адвокатлик осонми» деб номланган театр томошаси факультет талабаларида катта таассурот қолдирди. Спектакль ёшларимиз учун бепул қўйилди. Шунингдек, факультет талабалари Ўзбекистон Республикаси миллий театрида Фитратнинг «Абул Файзхон» драмасини томоша қилдилар. Бу драма ёшларимизда катта таассурот қолдирди. Томошадан кейин театрнинг таниқли актёрлари билан учрашув бўлиб ўтди. Учрашувда ўзаро фикр алмашилди. Факультет жамоаси ёшларимизни маънавий юксалтиришда моддий жиҳатдан катта ёрдам бераётган ҳар икки театр раҳбарияти ва актёрларига миннатдорчилигини билдирди.

Шоҳиста ЎЛЖАЕВА,
тарих фанлари номзоди.

«ТЕМУР ТУЗУКЛАРИ»ДА – ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ

Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим.
(«Темур тузуклари»дан)

Дарҳақиқат, Амир Темур иқтибосда кўрсатилганидек, бутун умри ўз салтанатини адолат ва инсоф асосида идора этишга интилди. Шу тариқа у тарихда энг адолатли ҳукмдорлардан бири сифатида қолди. Бунда Жаҳонгир албатта ўз қарашларига, ҳаёт тажрибаларига ва пири-Абу Бакр Тайбодий йўл-йўриқ ва насиҳатларига таянди. Пири Темурга ўз мактубида шундай ёзади: «Ҳар тоифа, ҳар қавмни ўз мартабаларида тутгингки, салтанатинг низомга келиб, давлат интизомига киргай. Агар ҳар нарсани ва ҳар кимни ўз мартабасида сақлай олмасанг, салтанатингга бундан кўп ҳалал ва зиён етгай. Ҳар кимнинг қадр-қимматини, тутган мавқеини ва ҳар нарсанинг ўлчовини белгилаб олишинг ва шунга мувофиқ иш юритишинг керак», деб уқтиради.

☼ ☼

Шу асосда Амир Темур катта-кичик ҳар шаҳар ва қишлоқда масжид, мадраса ва хонақоҳлар қуриш, фақиру мискинларга лангархона, камбағал, етим-есир ва йўловчиларга овқат бериладиган жой—ғарибхона ташкил этиш, шифохоналар бунёд этиш билан баробар ҳар бир шаҳарда дорул-аморат— ҳокимият биноси ва дорул-адолат – адолат уйи – қозихоналар қуриш ҳақида фармон беради.

Соҳибқирон шунингдек, халққа, эл-юртга, шариат ақидаларини тушунтириш иши, тафсир, фиқҳ, мусулмон ҳуқуқшунослигидан дарс бериш ва уларни ёйиш, шарҳлаш учун ҳар бир шаҳарга олимлар ва мударрисларни тайин этарди. Турли мамлакатларда садрлар, ҳокимият вакили ва қозиларга шариатнинг асосий талаблари, жамиятда қонун-қоидалар қандай бажарилаётганлиги хусусида хабар бериб туришни буюради. Шунга ўхшаш ҳар эл ва ҳар шаҳарда сипоҳ ва раият орасида, яъни, лашкар, ҳарбийлар ва фуқаролар ичида турли низоларни ва турли жанжалли ишларни бартараф этиш ва бу ҳақда Амир Темурга маълумот бериб туриш мақсадида адолат амирларини тайинлайди.

Соҳибқирон «Темур тузуклари»да шундай таъкидлайди: «Яна тажрибамдан кўриб билдимки, давлат дину ойин, қоида, тартиб, усул асосида қурилмас экан, тўра-тузукка боғланмас экан, ундай салтанатнинг шукуҳи, қудрати ва тартиби йўқолади. Бундай салтанат яланғоч одамга ўхшарким, уни кўрган ҳар кимса, назарини олиб қочади. Ёхуд касу нокас тап тортмай кириб чиқадиган томсиз, эшиги – тўсиғи йўқ уйга ўхшайди.

Шунинг учун ҳам мен ўз салтанатим биносини дини ислом, тўра ва тузук асосида мустаҳкамладим. Салтанатни бошқаришда учраган ҳар қандай воқеа ва ишни тўра ва тузук асосида бажардим», – дейди.

Давлатни бошқариш, салтанатни мустаҳкамлаш, жамиятда ҳақиқат, адолатни қарор топтириш, қонун-қоидаларига риоя этишлик, доимо эл, давлат ташвишларида юришлик Амир Темур учун осон кечмади, албатта. Салтанатда муттасил адолатни ўрнатиш ҳукмдорга жуда катта масъулият юкланишини у жуда яхши билар эди. Бу ҳақда «Темур тузук»ларида шундай ёзилади: «Салтанат тўнини кийгач, тинчлигу соғлиғим кетди, ўз тўшагимда роҳатда ухлаш ҳузур ҳаловатдан воз кечдим. Ўн икки ёшимдан турли диёрларни кездим, ранжу меҳнат тортдим. Ҳар хил тадбирлар қўллаб ғанимнинг фавж, тазъйиқларини синдирдим».

Ва шу тариқа у Эрон, Турон, Рум, Мағриб, Шом, Миср, Ироқи ажам, Мозандарон, Гилонот, Ширвонот, Озарбайжон, Форс, Хуросон, Дашти жете, Дашти Қипчоқ, Хоразм, Қобулистон, Бохтарзамин, Ҳиндистонга подшоҳ бўлиб, бу ерларда ҳам адолат ўрнатишга интилади.

Амир Темур ўзининг хайри-саховати билан одамлар кўнглидан жой олди. «Тўғри сиёсат, инсоф билан сипоҳийларим ва раиятни умид ва қўрқинч орасида сақладим. Фуқаро ва қўл остимдагиларга раҳмдиллик қилдим, сипоҳийларга инъомлар улашдим. Золимлардан мазлумлар ҳаққини олдим. Золимлар етказган ашёвий ва жисмоний зарарларни исботлаганимдан кейин уларни шариатга мувофиқ одамлар ўртасида муҳокама қилдим ва бир гуноҳкорнинг ўрнига бошқасига жабр-зулм ўтказмадим», – дейди.

Яна у: «Одам Атодан бошлаб Хотам ул-анбиёгача, улардан ҳозирги дамгача ўтган султонларнинг қонунлари ва туриш-турмушларини донолардан сўраб-суриштирдим. Ҳар қайсиларининг йўл-йўриқлари, туриш-турмушлари, қилиш-қилмишлари, айтган гапларини хотирамда сақладим ва яхши ахлоқлари, масъул сифатларидан намуна олиб, унга амал қилдим. Давлатларнинг таназзулга учраши сабабларини суриштирдим ва давлату салтанат заволига сабаб бўлувчи ишлардан сақландим. Наслни бузувчи, очарчилик ва вабо касали келтирувчи зулм ва бузуқчиликдан сақланишни ўзимга лозим деб билдим», дея таъкидлайди.

«Ҳар ернинг табиати, ҳар элнинг ва шаҳарнинг расму одатлари, мижозидан воқиф бўлиб турдим. Ҳар бир ўлка ва шаҳар аҳолисининг ашрофуруғлари ва бузурглари билан ошна тутиндим. Уларнинг мижозларига, табиатига тўғри келган, ўзлари тилаган одамларни уларга ҳоким қилиб тайинладим. Ҳар бир диёр аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим. Ҳар бир мамлакат аҳолисининг аҳволидан огоҳ бўлиб турдим, – дейди Соҳибқирон. – Борди-ю, нотўғри нарса ёзганлар менга маълум бўлиб қолса, бундай воқеанависларни жазоладим. Ҳокимлар, сипоҳ ва раиятдан қайси бирининг халққа жабр-зулм етказганини эшитсам, уларга нисбатан дарҳол адолату инсоф юзасидан чора кўрдим.

Турку тожик, арабу ажамнинг турли тоифа ва қабилаларидан бўлган ва менинг паноҳимга кирган кишиларнинг улуғларига ҳурмат кўрсатдим, қолганларини ҳам ўз ҳолига яраша сийладим. Яхшиларига яхшилик қилдим, ёмонларини эса ўз ёмонликларига топширдим. Ким менга дўстлик қилган бўлса, дўстлиги қадрини унутмадим ва унга мурувват, эҳсон, иззату икром кўрсатдим. Кимки менинг хизматимни қилган бўлса, хизмати ҳаққини адо этдим. Кимки менга душманлик қилсаю, кейин пушаймон бўлиб, илтижо билан ҳимоя истаб, тиз чўкиб олдимга келса, душманлигини унутиб, мурувват ва дўстлик кўрсатдим.

Ўз фарзандларим, қавму қариндошларимдан қариндошлик меҳрини узмадим. Улардан нораво иш ўтган бўлса, дарҳол боғлаб, ўлдиришга буюрмадим. Ҳар кимни туриш-турмушини пасту-баландларида турли йўллар билан синаб билиб олдим ва уларга шунга яраша муомала қилдим. Ҳаётнинг кўп иссиқ-совуғини кўриб улардан сабоқ олиб, тажрибамни оширдим. Шунинг учун дўсту душман билан келишиб яшадим.

Яна амр этдимки, кимки бирон саҳрони обод қилса, ёки кориз қурса, ё бирон боғ кўкартирса, ёхуд бирон хароб бўлиб ётган ерни обод қилса, биринчи йили ундан ҳеч нарса олмасинлар, иккинчи йили раият ўз розилиги билан берганини олсинлар, учинчи йили эса олиқ-солиқ қонун-қоидасига мувофиқ хирожи йиғилсин.

Яна буюрдимки, агар ҳар ер ва ҳар элнинг амалдорлари ва калонтарлари оддий фуқарога жабр-зулм қилса ва шу орқали бечораларга зарар етказган бўлса бундай вақтларда етказилган зарарни калонтарлардан ундириб, жабр кўрганларга берсинлар, токи улар яна ўз ҳолларига келсинлар.

Хароб бўлиб ётган ерлар эгасиз бўлса, холиса тарафидан обод қилинсин. Агар эгаси бўлса-ю, лекин обод қилишга қурби етмаса, унга турли асбоблар ва керакли нарсалар берсинлар, токи ўз ерини обод қилиб олсин. Яна амр қилдимки, хароб бўлиб ётган ерларда коризлар қурсинлар, бузилган кўприкларни тузатсинлар, ариқлар ва дарёлар устига янги кўприклар қурсинлар. Йўлларга кузатувчи ва соқчилар қўйсинлар, ҳар бир работга бир нечта одамни жойлаштирсинларки, йўлларни кузатиш ва сақлаш ишлари шуларга тегишли бўлсин. Йўловчилар молларини ғафлат босиб, ўғирлатиб қўймасликларининг вазифаси ҳам ушаларнинг зиммасида бўлсин...»

Жамиятда адолат ўрнатиб, уни адолатли бошқариш масаласи доимо дунёдаги барча халқларнинг ҳамда ҳукмдорлар, давлат арбобларининг диққат марказида бўлиб келган ва ҳозир ҳам бу давом этиб келмоқда. Ижтимоий адолат мавзусининг «Темур тузуклари»да ўзига хос шаклда баён этилиши ва талқин қилиниши жуда катта ижтимоий аҳамиятга молик ҳодисадир. Шунинг учун буюк ҳукмдор Амир Темурнинг бу масаладаги назарий қарашларини, тамойилларини ўрганиш, «Темур тузуклари»даги тарихий намуна ва тажрибаларни илмий ва амалий жиҳатдан тадқиқ этиш биз учун ҳар жиҳатдан зарур ва фойдали манбадир.

Исмоил СОИФНАЗАРОВ,
Тошкент Давлат иқтисодиёт университети фалсафа кафедраси мудири, профессор.
Хожимурод РАСУЛОВ,
доцент.

ХАЛҚ ТАЪЛИМИДА ИЖАРА ТИЗИМИ

Республикамизда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги қонун ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»ни ҳаётга тадбиқ этилишининг I босқичи муваффақиятли якунланиб, навбатдаги босқич амалга оширилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 5 февралдаги 68-сонли қарори билан тасдиқланган «Она ва бола» давлат дастурида ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш тизимини, яъни ижара тизимини жорий йилнинг 1 сентябридан бошлаб ташкил этиш белгиланган эди. Мазкур давлат дастурига мувофиқ ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимини 2001-2002 ўқув йилида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг биттадан туманидаги, яъни 14 та тумандаги таълим ўзбек тилида олиб бориладиган барча мактабларда синов тарзида ташкил этилмоқда.

Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизими бўйича тажриба-синовда жами 575 та мактабнинг 2, 3, 5, 6, 7 ва 8-синфларида ўқийдиган 240 мингдан ортиқ ўқувчи иштирок этади.

Дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимининг афзалликлари қуйидагилардан иборат:

– Бозор иқтисодиётига ўтиш босқичида оилалар, айниқса кам таъминланган оилалар ижтимоий жиҳатдан ҳимояланади.

– Ижара тизими тўлиқ жорий этилганда ўқувчиларга ҳамма дарсликлар берилади.

– Ўқувчиларни тежамкорликка, орасталикка ўргатади.

– Ижарага бериладиган дарсликларнинг барчаси амалдаги дарсликлардан фарқли равишда полиграфик жиҳатдан юқори сифатли ва пухта бўлиб, улардан энг камида 4 йил давомида фойдаланиш мумкин.

– Мактаб кутубхона жамғармасини шакллантиради ва бойитади.

– Ота-она олган китоблар нархининг маълум фоизини тўлайди.

– Ижара ҳақини ота-оналар мактаб учун очилган банкдаги махсус ҳисобга ўтказади.

– Ижара ҳақидан тушган пуллар махсус банк ҳисобида сақланади ва у фақат янги китоблар сотиб олиш учун сарфланади.

– Ўқув йили охирида ижарага олинган китоблар кутубхонага қайтарилади.

– Халқ таълими вазирлиги томонидан 2001-2002 ўқув йилида умумтаълим мактабларини дарсликлар билан таъминлаш ижара тизимининг тажриба-синов ўтказилаётган мактаблар учун дарсликларга ягона ижара тўлов миқдори белгиланган.

Ижара тизими синовдан ўтказилаётган мактаб ўқувчиларига керакли дарсликлар мактаб томонидан ижарага берилади.

Тажриба-синов натижалари муваффақиятли якунланса, 2002-2003 ўқув йилидан бошлаб дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини бошқа мактабларга ҳам тадбиқ этиш кўзда тутилмоқда.

Азиз газетхонларда дарсликлар билан таъминлашнинг ижара тизимини ҳаётга тадбиқ этиш юзасидан саволлар туғилса Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Матбуот марказига қўнғироқ қилишлари мумкин.

Телефонлар:
139-10-23, 139-15-73.

Абдурасул МУРОДОВ.

Бизнинг заминимизда шахснинг ҳуқуқий ҳолати учта табиий тамойилга асосланган бўлсагина, у демократия тамойилларига жавоб беради деб ҳисобланади. Бу принциплар – инсоннинг яшаш ҳуқуқи, озодлик ва тенглик бўлиб, улар 1948 йили БМТ томонидан қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясида белгилаб қўйилган. Инсоният бу тамойилларнинг умумий, барча учун баробарлигини эътироф этиш сари узоқ ва машаққатли йўлни босиб ўтди.

☼ ☼

ЭНГ ТАЪСИРЧАН ЙЎЛ

Жумладан, Ўзбекистон Республикасида ҳам Президентимиз таъкидлаганидек, «Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари борасида Конституциямиз инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясининг барча асосий ғоя ва қоидаларини ўзига сингдирган. Конституциянинг VII боби «Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» деб аталиб, «Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир. Инсон ҳаётига суиқасд қилиш энг оғир жиноятдир», деган 24-модда билан бошланади. Дарҳақиқат, ҳар бир кишининг ҳаёти бу такрорланмас ҳодиса, табиатнинг буюк неъматидир. Шу сабабли давлатнинг энг асосий вазифаларидан бири ўз фуқаролари ҳаётини муҳофаза қилиш, Конституциянинг ушбу моддаси тўлиқ таъминланишини етарли кафолатлашдир. Зеро, ҳуқуқий давлатда инсоннинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари олий қадрият сифатида эътироф этилади ва бир қатор қонунлар орқали ҳимоя қилинади. Бундай ҳуқуқларга яшаш ҳуқуқидан ташқари шахсий дахлсизлик, қонунсиз ҳибсга олинмаслик ва жазоланмаслик, тазйиққа дучор этилмаслик ҳуқуқлари ва бошқалар киради. Улар тарихда синалган умуминсоний, умумбашарий қадриятлар ҳисобланиб, биринчидан, энг ривожланган, тараққий этган давлатларнинг ҳуқуқий давлат, фуқаролик жамияти қуриш йўлидаги узоқ тажрибасига асосланган. Иккинчидан, шаклланган миллий тафаккурни, муқаддас исломий қадриятларни ҳам ўзида акс эттиради. Ўз Конституциясида халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоидалари устунлигини тан олган, инсонпарвар демократик ҳуқуқий давлат барпо этишга интилаётган Ўзбекистон учун ҳам юқоридаги демократик ҳуқуқларни амалга ошириш жамият ривожланишининг муҳим шарти ҳисобланади. Юқорида айтганимиздек, бу ҳуқуқларни амалга ошириш жараёни турли қонунлар орқали амалга оширилади ҳамда давлат ва фуқароларнинг ўзаро мажбуриятлари тизимида акс этади. Масалан, яшаш ҳуқуқини амалга ошириш бўйича давлатнинг мажбуриятларига: халқаро можароларни ҳал этишнинг воситаси сифатида урушдан воз кечиш ва бошқа давлатлар ўртасидаги урушларда қатнашмаслик; фуқароларга нисбатан ўлим жазосини истисно тариқасидагина қўллаш; ўқ отиш қуролларидан фойдаланишнинг алоҳида тартибини ўрнатиш; атроф-муҳитни муҳофаза қилиш; малакали тиббий хизматдан фойдаланишни таъминлаш кабилар киради.

Бундан ташқари халқимизнинг удумларидан ва мамлакатимиздаги демографик ҳолатдан келиб чиқиб, Ўзбекистон Конституцияси ва қонунларида пенсиядаги кишилар – нафақахўрлар, ижтимоий ёрдамга муҳтож бошқа қатламларнинг ҳуқуқлари алоҳида муҳофаза қилинган. Фуқароларнинг Конституцияда белгилаб қўйилган бурчлари ҳам юқоридаги ҳуқуқларни амалга оширишга қаратилган. Уларга – Конституция ва қонунларга риоя этиш, бошқа кишиларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари, шаъни ва қадр-қимматини ҳурмат қилиш; атроф табиий муҳитга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш мажбуриятлари ҳамда Ватанни – Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш бурчи киради. Конституция ва қонунларда ўрнатилган мажбурият ва бурчларнинг ҳам давлат, ҳам фуқаролар томонидан бажарилишигина фуқаролар ҳуқуқларининг тўлиқ таъминланишини кафолатлайди. Қонунларнинг бажарилиши давлат томонидан ўз ташкилотлари орқали назорат қилинса, фуқаролар ҳам шундай конституцион ҳуқуққа эгадирлар. Яъни, Ўзбекистон Конституциясининг 44-моддасида «Ҳар бир шахсга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органлари, мансабдор шахслар, жамоат бирлашмаларининг ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади», дейилган. Бу судларнинг мустақиллиги таъминланган давлатда фуқаролар ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг амалдаги энг таъсирчан йўлидир.

Шуҳрат ЭРГАШЕВ,
Тошкент вилоят давлат педагогика институти «Умумий тарих ва ҳуқуқшунослик» кафедраси мудири, тарих фанлари номзоди.

Келин салом—удумларимиз кўрки.

КЎЗГА НУР, ДИЛГА ҲУЗУР

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатаётган «Ҳабиб» қўшма корхонасида миллий каштачилик буюмлари ишлаб чиқарилмоқда.

Кашта тикиш учун зарур матолар ҳам шу ерда тўқилади. Корхона чет элга ўз маҳсулотларини экспорт қилишни йўлга қўйган. Айни кунларда жамоада кашта тикиш билан шуғулланадиган 25 нафар қўли гул аёл ишламоқда.

Корхона раҳбари Неъматулло Муҳаммад Маҳдум шундай дейди:

– Мен каштачилик ҳунарини жуда қадрлайман. Ўзбек халқининг миллий ифтихори бўлган ҳунармандчиликнинг бу соҳасига катта эътибор бераётирмиз. Шу боис бежирим тайёрланаётган буюмларга чет элларда харидорлар сероб...

Каштачиликда табиий бўёқ турли хил гиёҳ ва ўсимликлардан олинади. Ип ва ипаклар шу бўёқлар билан рангланади. Пештоқларга осилган сўзаналар, ёстиқ жилдлари, турли хил тикилган кашталар инсон вужудига фойдали бўлиб, кўзингизнинг нурига нур қўшади. Вужудингиздаги чарчоқни олишга ёрдам беради.

Ушбу маҳсулотларга чет элликларнинг қизиқиши катталиги бежиз эмас. Лондон ва Анқара шаҳрида шу корхона маҳсулотлари кўргазмага қўйилди. Айни кунларда жамоа аъзолари ўз маҳсулотларини экспорт миқдорини кўпайтириш йўлида ҳаракат қилишмоқда.

Дилфуза МАЖИДОВА.

«Авесто» яратилганлигининг 2700 йиллигига

МАЪНАВИЙ МАДАНИЯТИМИЗНИНГ ҚАДИМИЙ САРЧАШМАСИ

Ўтган йили март ойида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси «Авесто» яратилишининг 2700 йиллиги муносабати билан махсус қарор қабул қилган эди. Унда айтилганидек, дунёнинг энг қадимги динларидан зардуштийликнинг ноёб китоби «Авесто»нинг жаҳон маданияти ва динлар тарихида тутган ўрнини ҳисобга олган ҳолда, ҳамда ЮНЕСКО бош конференциясининг Парижда 1999 йили ўтган XXX сессиясида мазкур китоб юбилейини дунё миқёсида кенг нишонлаш ҳақидаги қароридан келиб чиқиб қатор тадбирлар белгиланган. Қарорда кўрсатилганидек, муҳим тадбирлардан «Авесто» ҳақида илмий ва бадиий асарларни чоп этишни таъминлаш вазифаси қўйилган.

Яқинда «Адолат» нашриёти чоп этган «Авесто» — маънавиятимиз сарчашмаси» номли китоби ушбу қарорларга амалий жавоб деса бўлади. Асарнинг энг муҳим томони шундаки, муаллифлар кўтарган барча муаммолар ниҳоятда бой ва турли хилдаги адабиёт ва манбаларга асосланган. Китобда диққатга сазовор турли мулоҳазалар ва янги фикрлар кўп учрайди.

Муаллифлар одилона қайд қилганидек, истиқлол бизга маънавий қадриятимизнинг ноёб қадимий намунаси зардуштийлик ва унинг ноёб китоби «Авесто»ни қайта ато этди. У тўғрисида тўпланган илмий ахборот бир андозага солиниб, шаклланиб қолган ақидавий тушунчаларимизни ағдар-тўнтар қилиб, йўқотилган тенгсиз бисотимизни топиб олишга кўмаклашди. Инглиз олими Лоуренц Миллзнинг таърифича, «агар кишилик тафаккури бир достон бўлса ва унинг қадр-қиммати борасида сўз юритилса, у ҳолда «Авесто»ни бу достоннинг энг юқори поғонаси деб билмоғимиз лозим. «Авесто» маънавиятнинг энг қадимий тарғиботчисидир». Олимнинг фикрича, Зардушт бизга ҳар бир ҳижоси андишалар билан тўлиб тошган сўзлар қисқа ва лўнда айтилганлиги жиҳатидан дунёда тенги йўқдир. «Уч минг йил бурун изҳор этилган бу дастурлар бугун ҳам бизга нажот бахш этади», деб хулоса қилади у.

Китобнинг биринчи боби асли мазкур доно фикрни тасдиқлаб, Зардушт ёхуд «Авесто»нинг инсоният тараққиётида тутган ўрнини кўрсатиб беришга бағишланган. Жуда кўп чет эллик таниқли арбоб ва алломалар, файласуф, тарихчи ва шарқшунослар берган юксак баҳоларга асосланиб, зардуштийлик дини ва унинг ноёб китобида биринчи бўлиб умуминсоний қадриятларни, инсонпарварлик, одиллик, ҳақиқатпарастлик, ростгўйлик, меҳнатсеварлик, мардлик, яхшилик ва эзгулик каби инсоний фазилатларни тарғиб қилувчи буюк асарлиги ишончли қилиб кўрсатилган. Унда илк жаҳон дини тўғрисида қуйидаги муҳим хулоса ёзилган: «Зардушт бойлар учун ҳам, камбағаллар учун ҳам баробар бўлган ахлоқий тамойил ва ақидаларни яратиб, ўз олдига тинчликсевар ва адолатли қонунлар, тартиб қоидалар қарор топган, барчага бирдай муносиб бўлган фаровон ҳаёт беришни олий мақсад қилиб қўяди». Зардуштийлик динига эътиқод қилган ҳар бир киши ростгўйлик ва ҳақиқат чироғини ёқмоғи керак, ўшандагина у Комил инсон бўлиб етишиши мумкин, деган фикр баён этилади.

Кейинги бобларда бутун жаҳон маданий мероси деб танилган зардуштийлик динининг қадимий ибтидоий ришталари ва келиб чиқиши соғлом авлод ва тарихий-маърифий ва адабий қиммати, ундаги асотирлар, афсона ва ривоятлар тўғрисида батафсил жонли ҳикоя қилинади.

Ҳозирги тарих фанининг энг долзарб муаммоларидан бири илк жаҳон дини ва унинг тарихий китоби «Авесто»нинг келиб чиқиши ва ватанини аниқлаш. Муаллифлар асосли равишда мазкур муаммони ҳал қилишда атоқли шарқшунос олим Сергей Павлович Толстов бошчилигидаги машҳур Хоразм экспедициясининг кўп йиллик археолог-этнографик изланишлари ва бошқа тадқиқотчиларнинг фикрларига таяниб муаммога анча-мунча аниқликлар киритганлар. Амударё ва Сирдарё қуйи оқимидаги жуда кенг ҳудудда ўтказилган тадқиқотлар туфайли қўлга киритилган ниҳоятда бой далилларга асосланиб, оташпарастлик ришталари асли Хоразмнинг энеолит даврига оид обидаларда сақланиб келганлиги кўрсатилган. Мазкур фикрни Жонбосқальа ва бошқа илк деҳқончилик аҳолиси яшаган обидалардаги муқаддас оловхоналар қолдиқлари, одамсимон ва ҳайвонсимон шаклдаги пластик топилмалар тасдиқлайди. Сергей Павлович таърифича, ҳатто милоддан олдинги III-II минг йилликларга оид Жонбосқальа-4 номли Калтаминор маконларида ҳам оташ ибодати билан боғлиқ топилмалар мавжуд бўлган. Жонбосқальадаги катта чайла 300 кв. метр жойни эгаллаб, унда бир уруғ яшаган, чайла марказида доимо ёниб турган муайян ибодат билан боғлиқ ўчоқ қолдиқлари топилган.

Катта ҳудудда икки дарё ўрталиги ва Орол бўйида кашф этилган буюмлардан ажойиб терракота ҳайкалчалар, айниқса аёл тасвиридаги муайян сеҳрлик ибодати билан боғлиқ образлар диққатга сазовор. «Неолитик Венералар» деб ном қозонган бундай кичкина санъат намуналари — Анахита ҳайкалчалари шубҳасиз қадимий ҳосилдорлик ибодатини ифодалайди. Шуниси қизиқки, мазкур образлар кейинчалик топилган зардуштийларнинг дафн қиладиган қутиларда тасвирланган одамларга ўхшаб кетади. Тупроқ, олов, сув ва ҳавони муқаддаслаштирган Зардуштийлар таълимоти қадимий деҳқончилик ҳосилдорлик ибодати билан узвий боғлиқлигини кўрсатади. Шу асосда С. П. Толстов Хоразмда қадимий ибодатлар билан зардуштийлик генетик жиҳатдан боғлиқлигини қайд қилиб, «Авесто»нинг ватани Хоразм, деган фикрни биринчи бўлиб илгари сурди.

Шу нуқтаи назардан Янги Зеландия олимаси, Веллингтон Университети профессори Эдсхет хонимнинг фикри ҳам диққатга сазовор. У 1992 йили Лондонда «Марказий Осиё жаҳон тарихида» номли йирик асар чоп этган. Унда муаллиф жуда бой фактологик маълумотларга таяниб, зардуштийликнинг пайдо бўлиши асли милоддан илгари VIII-VII асрлардаги Хоразмнинг ва Амударё қуйи оқими ҳудудида маданий тараққиёти билан боғлиқ, дейилади. Зардуштийликнинг қаерда ва қачон яратилгани тўғрисидаги ҳар хил мулоҳазалардан қатъий назар, унинг таърифича, мазкур таълимот фақат шу ерда пайдо бўлган. Аммо бошқа масала, дейди у, қандай қилиб, қисқа муддат ичида Бақтрия, Жануб ҳудудларига тарқалганлиги. Бу ерда ўша вақтда милоддан илгари XV асрларда бошланган Амударё соҳилларидан жануб томон арий қабилаларининг кўчиш жараёни муҳим рол ўйнаганлиги.

Мазкур тақриз қилинаётган китобда тўғри кўрсатилганидек, тарихий манбалар, археологик қазилмалар ва лингвистик маълумотларга биноан немис шарқшунос олими В. Альткайм «Зардушт бешиги Оксус соҳилларида бўлган, унинг номи билан аталган зардуштийлик дини ҳам ўша ерда пайдо бўлган», деб таъкидлайди. Муаллифларнинг таърифича, «Авесто» ҳозирги Ўзбекистон ҳудудида милоддан олдинги II минг йиллик ўрталарида яшаган қабилаларнинг диний ва дунёвий мафкураси, илк давлатчилик, ижтимоий-сиёсий тузуми, ҳуқуқи ҳақида асосий манба сифатида қимматли маълумотларни беради. Зардушт таълимотида ростлик ва ҳақиқат учта маънавий-ҳуқуқий ғояга асосланади: эзгу фикр, яхши сўз (эзгу калом), эзгу амал. «Авесто»да қайд этилган, энг муҳим ижтимоий-сиёсий ва ҳуқуқий ғоялардан бири — ёвузликка қарши ва адолат учун кураш масаласи эканлигига мазкур китобда алоҳида эътибор берилган. Ғарб Ренессанси бошланишдан икки ярим минг йиллар муқаддам Марказий Осиёда пайдо бўлган зардуштийлик таълимоти кўтарган инсонпарварлик ғояларининг ҳам ҳозирги даврдаги инсон муаммоси билан ҳамоҳанг бўлиши ниҳоятда муҳимлиги асарда асосланган. «Ғарб тарихида, — деб ёзади муаллифлар, — буюк ислоҳотлар ва маърифатчилар даври энг зўр ва ажойиб Уйғониш даври деб ном олган даврига қиёс қилиб таърифланади. Асли дастлабки инсонпарварлик (гуманистик) ғояларни ислоҳ қилиш ҳаракати Ўрта Осиёнинг буюк фарзанди Зардуштдан бошланган десак тўғри келади. Чунки унинг таълимоти инсонпарварлик ғояларини биринчи бўлиб илоҳийлаштирган, дунёвий ҳаётни муқаддаслаштирган...»

«Авесто»ни ҳар томонлама таҳлил этишга ҳаракат қилган муаллифлар қуйидагича одилона тўғри хулосага келганлар: «Умуман, маънавиятимиз сарчашмаларидан бири бўлмиш Зардуштийлик ва ноёб «Авесто» китоби ўз ихлосмандларида жасорату мардоналик, эртанги кунга умид боғлашу некбинлик, эзгуликка мойиллик ва унга ҳамиша шай туриш туйғуларини тарбиялашга, ёвузликка нисбатан эса нафрат ҳиссини уйғотишга хизмат қилади... Зардушт яратган зардуштийлик таълимоти ва «Авесто» дунёдаги тарихий китоблар орасида энг нодир, ягона китоб бўлиб, бир неча минг йиллик давомида инсониятнинг орзу-умидларини, ғоятда олижаноб, ижобий ҳис ва туйғуларини, бедор этиб, бепоён ҳудудларда порлоқ илоҳий маънавият машъали бўлиб, инсонлар қалбини эзгулик нури билан ёритиб турди...» Шундай қилиб, деб ёзади улар асар охирида «дунёнинг энг қадимий, адабий ва тарихий ёдгорлиги «Авесто» умумжаҳон миқёсида ҳар томонлама илмий тадқиқотлар жараёнига киритилди. Бугун бутун жаҳон аҳли «Авесто» ҳақида сўз ва фикр юритади. Чунки бу китоб бутун жаҳон аҳлининг муштарак меросига айланган. «Адолат» нашриёти чоп этган бу асар «Авесто»нинг 2700 йиллигига муносиб туфҳадир. Унинг мантиқий ва мазмунан муштараклиги, равон тилда ишончли ўқимишли қилиб ёзилиши ҳам мақтовга сазовор. Шундай тарбиявий жиҳатдан ниҳоятда зарур китоб кам — нусхада чоп этилган. Миллий мафкурамизни шакллантиришда, ўзбек менталитетини тиклашда, инсонни камол топтиришда ва ижтимоий тараққиётимизга холисона хизмат қиладиган асарларни кенг оммага етказиш долзарб энг муҳим вазифалардан бири бўлмоғи лозим.

Исо ЖАББОРОВ,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, профессор.

«ЭНГ ЯХШИ СУД КОТИБИ»

Фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилояти судида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 10 йиллиги муносабати билан «Энг яхши суд котиби» кўрик-танлови ўтказилди.

Кўрик-танловда фуқаролик ишлари бўйича вилоят ҳамда туманлараро судлари суд котиблари ўзи ишлаб турган суднинг ташкил топиши ва фаолияти, ҳар бир суд котибининг маданий ва маънавий дунёқараши, саҳналаштирилган суд жараёни, котибларнинг нотиқлик ва тезкорлик маҳорати, процессуал ҳуқуқ ва мажбуриятлари ҳамда ижодий имкониятлари бўйича беллашдилар.

Жиноят ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг судяси А. Ҳамроева, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Самарқанд вилоят бўлимининг раиси Х. Бобомуродова, Самарқанд Давлат университети ҳуқуқшунослик факультети деканининг ўринбосари И. Бегалиев, адлия бошқармаси катта маслаҳатчиси Н. Эсонова, тажрибали адвокат Д. Эрмуҳаммедовалардан таркиб топган нуфузли баҳолаш ҳайъати ҳеч шубҳаланмасдан Каттақўрғон туманлараро суди суд котиблари жамоасини (суд раиси вазифасини бажарувчи Б. Хидиров) биринчи ўрин соҳиби деб топдилар.

Каттақўрғон туманлараро фуқаролик ишлари бўйича судининг суд мажлиси котиби Санобар Бердиқулова вилоятда энг яхши суд котиби деб топилди.

Иккинчи ўрин вилоят суди суд котиблари жамоасига, иккита учинчи ўрин Пастдарғом ва Темирйўл туманлараро судлари суд котиблари жамоасига насиб этди.

Вилоят суди суд котиби Азамат Қодиров, Пастдарғом ва Темирйўл туманлараро фуқаролик ишлари бўйича суди жамоа сардорлари Худойберди Ҳолиқов ва Моҳигул Исмоиловалар иккинчи ва учинчи ўринни эгаллаб «Энг яхши суд котиби» деб топилдилар.

– Тадбирнинг ўтказилишидан асосий мақсад, – дейди биз билан суҳбатда фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд вилоят судининг раиси А. Раҳмонов, – суд котибларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясини ўрганиш жараёнида олган билимларини синаб кўриш, уларнинг дунёқарашини, ҳуқуқий билим ва маҳоратларини аниқлаш, суд котибларини бир-бирлари билан яқинлаштириш, дўстлаштириш, қолаверса, уларни рағбатлантириш эди.

Байрам тадбирларида вилоят ҳокимлиги, жиноят ишлари бўйича вилоят суди, вилоят хўжалик суди, судлар департаменти, вилоят прокуратураси, Адлия бошқармаси раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари вакиллари ва жамоатчилик кенгаши аъзолари, суд, прокуратура идораларининг фахрийлари иштирок этдилар.

Биринчи бор ўтказилаётган ушбу тадбир ҳаммага манзур бўлди.

Н. ЖУМАНАЗАРОВА.

Низомжон ПАРДА 1937 йил туғилган. 1960 йилдан Ёзувчилар уюшмаси аъзоси. Асарлари ўзбек, рус, тожик, украин, молдован, турк, латиш, булғор тилларида нашр этилган. У Ўзбекистон истиқлоли 10 йиллигига бағишланган 3 жилддан иборат «Ҳайрат» китоби муаллифидир. Шунингдек, унинг қаламига мансуб «Собир Термизий» драмаси Термиз шаҳрининг 2500 йиллиги олдидан Маннон Уйғур номли вилоят мусиқали драма театрида қўйилмоқда.

Қуйида янги достондан парча эълон қилмоқдамиз.

ЎЗБЕК – ЯНА ЎЗБИК

(«Биз тушган кема» ўнглигидан)

Ҳамду саноларнинг боши Оллоҳга,
Дея тўлиққанда илҳомим лим-лим.
Ва баъзида қўлни очсам дуога,
Кўнглимни бўзлатар жафокаш элим,
Аждодларин айтсак, гапнинг биттаси,
Шоён қудратига тараф йўқ, албатта,
Олти бор бирлаштирган Осиё қитъасин,
Империя номин олган Олти марта
Бошига мусибат тушса-да изма-из,
Шараф тожин кийишга келтирган имонлар.
Булар Спаретра, булар Тўмарис,
Булар Широқ каби фидойи жонлар.
Ўқинг: Рим, Юнонда, Чин, Ажам, Форсда
Шаъни шавкатлари тенгсиз мақталган
Гоҳ қитъалараро кўчишлар, рости,
Бўрон, гоҳ-гоҳида қуюн аталган.
Йўқ-йўқ, босқинчилик қилмаган, босқинчини –
Инигача қувган сак, хун, кушонлар.
Рақиблари йиғлаган юлиб сочини,
Салжуқ, Ғазнавийлар – ададсиз нишонлар.
Жаҳон айвонида кўринган – Ўша!
Амир Темурларнинг ялови билан...
Дастурхони очиқ, оламаро жўшар
Ҳамон ризқи-рўзи, палови билан.
Берунийсиз, айтинг-чи, минг йиллар бурун
Америка қулф-дили очилармиди?!
Ҳабиб Абдуллаевлар илм-ҳикматисиз
Зарафшон – «Зар+афшон» бўлиб очилармиди?
Ўша –
Ўн йил аввал жон дили билан,
Қуёшга қаратиб пешонасини,
Ўзига хос режа, модели билан
Қуришга бошлаган кошонасини.
Бугун тамал тошин доно ва оқил
Юксак минбарлардан кўтариб қўйди,
Шуйтиб, кимлигини кўрсатиб, жоҳил –
Муртадларни бепичоқ «сўйди»...
Ҳамиша нияти барқарор бўлсин,
Ҳамиша тилаймиз куч-қудрат, холис.
Толеи, омади, бахти ёр бўлсин,
Лекин ҳали йўли олис, ҳа олис...

Ўзинг
Раҳнамо бўл,
Фаросат,
Тамиз,
Манзил қайси сарҳад,
Қайси қўналға?
Тўфонни кўрмасин Ватан – кемамиз,
Соҳилларга бошла,
Ҳей, Олий Дарға!..

Низомжон ПАРДА,
Денов шаҳри.

– Оҳ, ёз тугамаса эди...

Спорт

ҲАЯЖОНГА БОЙ ТУРНИР

Бугун шу юртда туғилганлигидан фахрланиш ҳиссини туймаган одамни топиш қийин. Узбекистоннинг улкан салоҳияти ҳар соҳада намоён бўлиб бормоқда. Кўпгина соҳалар қатори айниқса юртимизда спортга кенг ўрин берилаётганлиги бу соҳани янада ривожлантиришга яшил йўл очаяпти.

Узоққа бормайлик, ҳатто яқин ўн йил аввал Узбекистоннинг спортдаги шуҳратини тасаввур қилиш мушкул эди. Бугунги кунда эса у ҳар томонлама спорти тараққий этиб бораётган мамлакатларнинг бирига айланиб бормоқда. Бу ерда бўлиб ўтаётган турли спорт мусобақалари юртимизнинг шуҳратига шуҳрат қўшаяпти, обрў-эътиборини оширмоқда. Айни кунларда Тошкентда ўтказилаётган яна бир улкан спорт байрами – теннис бўйича «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнирини кузатар эканмиз, беихтиёр кўнглимиздан ана шундай фараҳли ўйлар кечади.

Кўп жойларда эътироф этилаётганидек бу турнир бир неча йиллардан буён муваффақиятли ўтказиб келинмоқда. «АТП – Тур» турнирлари рейтингида мазкур мусобақанинг тобора юқори ўринларга кўтарилиб, нуфузи ортиб бораётганлиги унга бўлган қизиқишнинг кучаяётганлигидан далолат бериб турибди. Эътиборли жиҳати шундаки, мусобақани ёритиш учун бу йил ҳам дунёнинг кўплаб мамлакатларидан оммавий ахборот воситаларининг вакиллари ташриф буюриб, мамлакатимизнинг нуфузли теннис кортидаги ҳаяжонли дақиқаларнинг шоҳиди бўлишмоқда. Мусобақа қатнашчилари ва мухлислари мазкур турнир очилган 10 сентябрдаги юртбошимиз Ислом Каримовнинг сўзларидан тўлқинланишмоқда.

– Ушбу спорт саройида теннис бўйича саккизинчи бор ўтказилаётган «Ўзбекистон Республикаси Президенти кубоги» халқаро турнирининг барча иштирокчилари, ташкилотчилари ва меҳмонларини қутлаш менга мамнуният бахш этади. Мазкур турнир мамлакатимиз, халқимиз ўз мустақиллигининг 10 йиллиги нишонланаётган ушбу кунларда ўтказилаётганлиги билан ҳам алоҳида аҳамият касб этади...

Зеро, «Юнусобод» теннис кортида ўтказилаётган мазкур халқаро турнирда дунё теннисининг тан олинган усталари ҳам иштирок этишмоқда. Бу эса шубҳасиз катта нуфузга эга. Айниқса, мазкур теннис усталарининг ёшларимиз ибрат олса арзийдиган кишиларга айланганлиги эътиборлидир. Моҳир ракетка усталари қаторида бу турнирда кўп йиллардан буён мунтазам қатнашиб келаётган Евгений Кафельников, Марат Сафин, Доминик Ҳрбати, Николас Кифер, Марк Россе сингари атоқли спортчиларнинг борлиги мусобақага бўлган ҳурмат ва эътиборнинг йилдан йилга ортиб бораётганидан нишонадир. Энг муҳими турнирда йигирмадан ортиқ давлатларнинг теннисчилари иштирок этишмоқда. Жумладан, АҚШ, Россия, Франция, Германия, Италия, Исроилнинг таниқли теннис усталари қатнашишаяпти. Уларнинг кўпчилиги дунё теннис рейтингида юқори ўринларни аллақачон эгаллашган. Шу боисдан ҳам мусобақалар жўшқин ва ҳаяжонли дақиқаларга бой бўлмоқда. Анъанавий халқаро теннис турнири баҳслари тобора шиддатли тус олаяпти. Баҳсларда эса Олег Огородов, Вадим Куценко ва Дмитрий Томашевичлар мамлакатимиз шарафини астойдил ҳимоя қилишаяпти.

Ҳаммани ҳаяжонга солган мазкур мусобақаларда алоҳида ажралиб турган иштирокчиларнинг бири Давид Сангунеттидир. Энди 29 ёшга кирган бу моҳир теннис устаси Италияда туғилган бўлишига қарамай Монакода яшайди. Профессионал теннис билан 1993 йилдан буён шуғулланиб келади. Ўтган йили «Президент кубоги»да биринчи маротаба қатнашиб, рақибларини доғда қолдирган ва финалгача етиб келган эди. Аммо бу сафар моҳир теннисчининг ёркин юлдузига айланган Марат Сафин устун келиб, ғалаба қозонди. Бу ерда Д. Сангунетти ҳақида алоҳида урғу бериб ўтаётганимизнинг боиси бор. У билан ҳамюртимиз Олег Огородников кортга тушди ва ўзининг устунлигини намойиш этиб муваффақият қозонди. Энди ўзбекистонлик ишқибозларни мафтун этган Олег кейинги босқичда даниялик ракетка устаси билан баҳс бойлашади. Хуллас, «Президент Кубоги»нинг ҳар бир дақиқалари ўзига хос ва ҳаяжонга тўла бўлмоқда. Жозибали ва гўзал ўйинлар кўрсатаётган машҳур теннисчиларнинг ҳар бири ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчи эмасмиз. Бироқ бир нарса маълум: бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларидаги спорт ишқибозларининг нигоҳи Тошкентга қадалган. Демак, Ўзбекистонда юзага келган яна бир улкан имконият дунё кишиларини ҳайратга солмоқда. Ҳақиқий ишқибозларни чин дилдан қувонтирмоқда.«Президент кубоги»га ким эга бўлади? Бу ҳақда башорат қилмоқчи эмасмиз. Аммо бу нуфузли кубокнинг ҳақиқий теннис устасига насиб этиши шубҳасиз. Олдинда эса гўзал ва бетакрор ўйинлар турибди. 16 сентябрга қадар давом этадиган ҳаяжонли мусобақаларнинг тақдирини мухлислар катта иштиёқ билан кутмоқдалар.

Ҳазратилло РЎЗИЕВ,
«Адолат» мухбири.

Мулоҳаза

ҲАҚИҚАТ МЕЗОНИ – АДОЛАТДА

Яқинда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги «Инсон ва қонун» ҳуқуқий газетасининг 36-сонида Республика Адлия вазирлиги, Республика Прокуратураси, Республика Ички ишлар вазирлиги, Республика Миллий хавфсизлик хизмати ва Республика Давлат солиқ қўмитаси раҳбарлари имзолари билан «ХЎЖАЛИК ЮРИТУВЧИ СУБЪЕКТЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТЕКШИРИШДА ҚОНУНИЙЛИКНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА КЎРСАТМА»си чоп этилди.

Бу кўрсатма албатта, текширув органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектлар ҳамда тадбиркорлар фаолиятини мувофиқлаштиришда, шунингдек, уларнинг иши юзасидан ўтказиладиган барча турдаги текшириш ҳаракатларини олиб боришда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг мутасадди шахслари Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ва меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари талабларига пухта амал қилишларида дастуриламал вазифасини бажаради, деган фикрдамиз.

Хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолиятини текширишда қонунийлик ва адолат ҳар ишда камарбаста бўлишини таъминлаш – бу муҳим ҳужжатда илгари сурилган асосий тамойиллардан биридир, десак асло янглишмаган бўламиз.

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат барпо этилаётган пайтда Ўзбекистон Республикасининг «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиш тўғрисида»ги, «Тадбиркорлик фаолияти эркинлигининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 19 ноябрдаги «Хўжалик юритувчи субъектларни текширишни ташкил қилишни тартибга солиш тўғрисида»ги Фармони ва улар асосида қабул қилинган бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолиятини текшириш тартиби белгиланган.

Мазкур кўрсатма матнида: ҳуқуқни муҳофаза этиш ва назорат қилувчи органларнинг мансабдор шахслари давлат ҳомияти вакили сифатида хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларини, мансабдор шахсларини ва тадбиркорларни фақат текширилаётган ёки ўрганилаётган масала бўйича тушунтиришлар бериш, уларга ойдинлик киритиш ва аниқлаштириш учун белгиланган тартибда чақиришга ҳақли эканлиги лўнда қилиб қайд этилган.

Лекин амалиётда бунинг акси ўлароқ, ушбу кўрсатма матнида баён қилингани каби – тадбиркорларнинг шикоятларидан маълум бўлмоқдаки, юқорида қайд этилган органларнинг баъзи мансабдор шахслари ўз хизмат вазифаларини суиистеъмол қилиб, айрим ҳолларда чақирилганларни бир неча соатлаб асоссиз ушлаб турмоқдалар, ўзларини ҳурматсизларча ва менсимаслик билан тутмоқдалар, ишга тааллуқли бўлмаган материалларни талаб қилмоқдалар, айрим ҳолларда эса хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлар фаолиятидаги бирон-бир камчиликларни рўкач қилиб, таъмагирлик қилишгача борилмоқда дейилганлиги назорат соҳаси мутасаддиларини ҳушёрликка ва тартибга чақириши табиий ҳолдир, албатта.

Юқоридаги каби йўл қўйилган жиддий камчиликларни бартараф этиш билан қонунчиликни қўпол равишда бузилишига йўл қўймасликни таъминлаш мақсадида қонунчиликни ҳимоя қилувчи ва назорат органлари томонидан хўжалик юритувчи субъектларнинг раҳбарлари ва мансабдор шахсларини ёки тадбиркорларни таклиф қилишда қуйидаги аниқ ва равшан кўрсатмаларга амал қилиниши тавсия этилган:

– фуқароларнинг қонунлар бузилиши, жиноятлар ёки фуқаролар ҳуқуқлари ва давлат манфаатларини ёқловчи ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган ёзма мурожаатлари,

– оммавий ахборот воситаларининг хабарлари,

– назорат қилувчи органларнинг аниқ кўрсатилган хўжалик юритувчи субъект фаолиятида қонунчиликнинг бузилиши тўғрисидаги маълумотлари.

Мазкур ҳужжатдаги, шунингдек, хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва тадбиркорни чақирув таклифномаси ёзма равишда юборилиши, таклиф қилинаётган шахслар аниқ масала юзасидан ўтказиладиган суҳбат ёки муҳокаманинг моҳияти тўғрисида олдиндан хабардор қилиниши тўғрисидаги аниқ қайдномаларни мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз.

Кўрсатмада қайд этилган талаблардан яна бирининг характерли жиҳати шундаки, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат этувчи органлар ходимлари қонун талабларини бузса ва юқорида кўрсатилган ҳолатларга йўл қўйса, жиноий жавобгарликкача бўлган қонунда белгиланган жавобгарликка тортилиши кўзда тутилгани, қолаверса, ноқонуний текшириш оқибатида тадбиркорлик фаолияти субъектларига етказилган зарарлар, шу жумладан, бой берилган фойданинг тўлиқ ундирилиши ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат органларининг ҳудудий бўлинмалари масъул ходимларини бу соҳада янада ҳушёрлигини ошириш билан адолат мезонини ўрнатилишига сезиларли туртки бўлади, деган умиддамиз.

Холмирза МАТКАРИМОВ,
журналист.

Менга қизингиз ёқиб қолди. Қандай қилиб у билан кўпроқ кўришиб турсам бўларкин?

– Менга ўн минг қарз беринг-да бир йил мобайнида қарзни қистаб келаверинг.

* * *

– Пивонинг нархи яна ошибди, дейишяпти.

– Мен учун бунинг аҳамияти йўқ. Чунки мен беваман.

* * *

– Сиз ҳали шеърингизни ҳеч кимга ўқиб бергангингиз йўқми?

– Йўқ.

– Унда нега кўзингизнинг таги кўкарган?

* * *

– Нима қилиб қўйдинг, каллаварам? Ўз дарвозангга тўп киритдинг-а!

– Начора, ниҳоятда қулай шароит туғилган эди, ўзимни тўхтатаолмадим.

* * *

Тортинчоқ йигит қиз билан гаплашишга журъат қилолмайди.

Ниҳоят, у гап бошлайди.

– Онангиз яхшими?

– Раҳмат, яхши.

– Отангиз-чи?

– Шукур.

– Акангиз, опаларингиз яхшими?

– Раҳмат.

Йигит гапдан тўхтайди. Шунда қиз дейди:

– Яна менинг бувам билан бувим ҳам бор...

* * *

Хотин: – Бу йил тугмасиз кўйлаклар урф бўларкан.

Эр: – Қойил! Мен ўн беш йилдан буён янгича кийиниб келаётган эканман-а.

* * *

ДАН ходими тўхташ таъқиқланган жойда турган «Запорожец» олдига келиб ҳайдовчига деди:

– Сизнинг машинанингизми?

– Меники.

– Юз сўм.

Ҳайдовчининг пешонаси тиришди, бир оз ўйлаб турғач қўлини силтади:

– Яна эллик қўш – машина сеники!

* * *

– Сиз кийган либосдан ҳайрат ёқамни ушлайман!

– Наҳотки! У ҳолда мен ҳам сизнинг дидингиз олдида ҳайрат ёқамни тутаман.

* * *

Маст киши милицияга қўнғироқ қилибди:

– Машинамни ўғри урибди: спидометр, тезликни алмаштириш дастаги, тормоз педали, магнитола, сигарета ёқгич...

– Ҳозир етиб борамиз!

Бир неча минутдан сўнг боягн одам яна қўнғироқ қилди.

– Ҳаммаси жойида. Мен адаштириб орқа ўриндиққа ўтирган эканман.

* * *

– Ҳой бола гугурт билан ўйнашма деб сенга неча марта айтдим.

– Ҳалиям ўйнашаётганим йўқ.

– Унда нима қиляпсан?

– Чекаяпман.

* * *

Айтинг-чи, бу йўловчини қандай қилиб уриб юбордингиз?

– Ҳайдовчи:

– Уриб юборганим йўқ. Унга йўл бериш учун тўхтаган эдим, бечора қувонганидан ҳушидан кетиб, йиқилди.

* * *

– Судланувчи... Биринчи хотинингиз нимадан ўлган эди?

– Қўзиқориндан.

– Иккинчиси-чи?

– Уям қўзиқориндан.

– Учинчиси-чи?

– Мияси чайқалиб.

– Нега шундай бўлди?

– Гап шундаки, у қўзиқорин ейишдан бош тортган эди.

* * *

Қиз отасига мурожаат қиляпти:

– Дадажон, автомобиль рулидаги биринчи куним қандай ўтганлигини айтиб берайми, ё эртага газеталардан ўқиб билишни маъқул кўрасизми?

Қутқарув хизмати хабар қилади

ИЛОН УШЛАНДИ

● Акмал Икромов тумани Гулистон кўчаси, 2-йўлак кўча, 15-хонадонда яшовчи Умриниса Мирзаева ўз ошхонасида тахминан 1,5 (бир ярим) метр узунликда илон борлиги ҳақида хабар берди. Қутқарув хизмати ходимлари тезда воқеа содир бўлган хонадонга етиб келдилар. Илон ушланиб, зоология институтига топширилди.

ЛИФТДАН ҚУТҚАРИЛДИ

● Навбатчилик қисмига М. Улуғбек тумани 1-Қорасув даҳаси, 45-уй, 82-хонадонда яшовчи нафақахўр аёл Дубюк Антелина Игоревнанинг олтинчи ва еттинчи қаватлар ўртасида лифт тўхтаб, ичида қамалиб қолганлиги ҳамда хабар қилинди. Онахон лифт ичида 2 соатдан ортиқ вақт бўлиб, анчагина соғлигини йўқотган эди. Лифт эшиги очилиб, қарияга тезда тиббий ёрдам кўрсатилди.

УЙИНГИЗ КУЙМАСИН

● Сергели-8а, 6-уй, 68-хонадонда истиқомат қилувчи фуқаро Қодиров Р. томонидан қўнғироқ бўлиб, унинг 4 яшар қизи уйда ухлаб қолган. Ошхонада эса газнинг устида овқат ва чойнакда сув қайнаётган бўлган. Уй эгаси кўчага чиққач, калит уй ичида қолганлигини эслаган.

Қутқарувчилар воқеа жойига қисқа муддатда етиб бордилар. Темир эшик бузиб очилиб, қизча қутқарилди, ёнғиннинг олди олинди.

Ўткир САИДОВ,
Тошкент шаҳар фавқулодда вазиятлар бошқармаси матбуот котиби.

«01» хабари

ЁНҒИНГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАДИ

Республикамиз пойтахтида қурилишлар кўлами тобора ортиб бормоқда. Қуриб битказилган бинолар шаҳримизнинг кўркига кўрк қўшмоқда. Миробод туманида қурилаётган бинолар ҳам ўзининг меъморчилик жиҳатидан бетакрорлиги билан кўзга ташланиб турибди. Шу сабабли қурилишларда ёнғиндан сақлаш масалаларига жиддий аҳамият берилиши зарур.

Қурилаётган ва тикланаётган биноларда ёнғин хавфсизлиги талабларига риоя қилишни назорат қилиш – давлат ёнғиндан сақлаш назорати органларининг муҳим вазифаларидан биридир. Чунки бино ва иншоотларни ёнғиндан сақлаш асосларни лойиҳалаш, қуриш ёки тиклаш давомида яратилади. Шу йилнинг ўтган даврида Миробод тумани 3-ҳарбийлаштирилган ёнғиндан сақлаш бирикмаси томонидан янги қурилаётган ва таъмирланаётган биноларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш борасида самарали ишлар олиб борилди. Ҳар бир қурилиш иншооти ёнғиндан сақлаш хизмати ходимлари томонидан тўлиқ текширувдан ўтказилди.

Қурилиш ишларини олиб бораётган ишчи ва газ-электр пайвандчилар билан ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича йўриқномалар ўтказилмоқда. Шу билан биргаликда ишчи-хизматчилардан иборат кўнгилли ўт ўчириш гуруҳлари ташкил этиш яхши йўлга қўйиляпти.

Олиб борилган ишлар натижасида шу йилнинг ўтган даврида қурилишларда ёнғинлар келиб чиқишига йўл қўйилмади.

Ш. АСҚАРОВ,
Тошкент шаҳар Миробод туманини муҳофаза қилувчи 3-ҲЕСБ катта муҳандиси, ички хизмат майори.

Бу қизиқ

«РЕКЛАМА – ҚИЧҚИРАМАН» – ДЕМАК

Реклама газетани вужудга келтирган десак ишонмассиз.

Лекин аслида ҳам шундай. 1473 йилда англиялик Уильям Кекстен реклама эълони варақаларини тарқата бошлаган. Кейинчалик XVIII аср ўрталарида Англияда шундай варақаларнинг йиғиндиси «Меркурий» ҳафталик газетаси босмадан чиқди. 1625 йилда кофе, 1627 йилда какао, 1658 йилда чой айнан шу газетада реклама қилинди. Маҳсулот истеъмолчига тақдим этилди.

1891 йилда Америка Қўшма Штатларида Жорж Беттен деган киши фақат реклама тайёрлаш билан шуғулланади. Ҳозир эса Қўшма Штатларда 7000 дан ортиқ шундай агентликлар мавжуд. Яна шуниси қизиққи, барча рекламалар «А/ДА» формуласи асосида ёзилади, тайёрланади, яъни:

1. А – диққат – матн эътиборини жалб қилиш лозим;
2. І – қизиқиш – матн қизиқтирувчи бўлиши керак;
3. Д – хоҳиш ва истак – кишида хоҳиш-истак пайдо қилиши лозим;
4. А – ҳаракат-пировард мақсад ҳаракатга чорлаши лозим.

Шунинг учун бўлса керак, реклама сўзи ҳам лотинча бўлиб, «қичқираман» деган маънони англатар экан.

СОҒЛИГИНГИЗ ЎЗ ҚЎЛИНГИЗДА, АГАР...

● Кашничи оз-оздан еб турган одамнинг қони тозаланади.

● Саримсоқ пиёз доналарини паллалаб билак томирларига қўйилса тиш оғриғини қолдиради.

● Турп уруғи билан аралаштирилган товуқ тухумининг сариғи балғамни ҳайдайди.

● Нафасингиз қисса, саримсоқнинг 5-6 донасини туйиб, бир стакан сувда қайнатинг. Кунига бир неча марта чой қошида ичиб туринг, нафас олишингиз енгиллашади.

● Бошингиз оғриса, лимон пўстлоғини пешонангизнинг икки чеккасига қўйинг, оғриқ қолади.

● Ич кетиши тўхтамаса озгина марганцовкани бир пиёла илиқ сутга солиб, истеъмол қилинг.

● Юрагингиз ўйнаса, давоси дўлана қайнатмасидир. Уни тайёрлаш учун тоза идишга икки коса қайноқ сув қуйилади. Сўнг данаги ва пўсти олинган етти қошиқ дўлана олинади. Паст оловда бир неча минут сақланади. Сўнг идишни оловдан олиб, тоза латта билан ўранг ва бир кеча кундуз тиндиринг. Сўнг докада сузиб, салқин жойда сақланг ва ҳар куни шундан бир пиёла ичиб туринг.

● Тилингиз касалланса, тез-тез пиёз, ялпиз, сули истеъмол қилиб туринг.»

● Атиргул мойига қўшилган исириқдан ичиб туринг киши ошқозон қуртларидан халос бўлади.

● Сурункасига анжир истеъмол қилиш жинсий қувватни оширади.

● Анжирни сутда қайнатиб ейилса йўтал даф бўлади.

● Аёл наҳорда уч қисм арпабодиён ва бир қисм қалампирдан қилинган талқон еб юрса, албатта ҳомиладор бўлади.

● Шафтоли баргининг суви қулоққа томизилса, қулоқнинг эшитиши ортади.

● Кишининг ичи кетса, товуқ гўштини қайнатиб, тузлаб тановул қилсин.

● Аёл киши қовурилган сабзи уруғини асалга аралаштириб еса, ҳайз кўриши тўхтайди.

● Агар кишида қабзият бўлса, селдерей уруғидан тановул қилсин, даво бўлади.

● Агар туйилган сандал истеъмол қилинса, бод, шиш, юрак ўйноғи касалликлари йўқолади.

● Юрак хаста кишилар исириқни майдалаб туйиб, майда симли элакдан ўтказиб, унга кунжут мойи қўшиб, ҳар куни уч мисқолдан тановул қилиб турсалар ғоят фойдалидир.

● Агар қонингиз меъёрига тушишини истасангиз, хурмо, олча ва гулобдан шарбат қилиб, уч кун оч қоринга ичиб туринг.

● Темиратки тушган киши ўша жойига исириқ талқонини қўйсин ёки пиёз уруғини қайнатиб есин.

● Агар кишининг пешоби турмаса, чигиртка истеъмол қилсин.

● Агар оёқ терлаб, ёқимсиз ҳид келса, унга туянинг иссиқ қонини суркаш керак.

● Ит пўстагида кўп ўтирган киши дардга чалинмайди.

Муассис: Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши ва «Адолат» газетаси ижодий жамоаси.

Бош муҳаррир: Тўхтамурод ТОШЕВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:
Т. О. ДАМИНОВ, А. Ғ. ҒУЛОММАҲМУДОВ, А. ЖЎРАБОЕВ, Р. З. АҲМАДАЛИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Р. Р. ҲАЙДАРОВ, К.РИХСИЕВ (Бош муҳаррир ўринбосари) Д. К. ҚИРҒИЗБОЕВ (бўлим мудири), Р. АЗИМОВ, Т. И. ЭРГАШЕВ, А. МАМАЖОНОВ, Ў.Ф. ЖЎРАЕВ, Н. НУРМАТОВ, М. КАЛОНХОНОВ.

Мулоқот учун телефонлар:
Қабулхона – 133-41-89.
Хатлар ва шикоятлар бўлими – 136-55-64.

Навбатчи – Вилоят ШОДИЕВА

Саҳифаловчи – Бахтиёр ҚЎШОҚОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасидан 140 рақам билан рўйхатдан ўтган. Буюртма Г– 2836, ҳажми–2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А–2
Газета IBM компьютерида терилди.

Мақолада келтирилган факт ва рақамлар учун фақат муаллифлар жавоб берадилар. Қўлёзмалар муаллифларга қайтарилмайди.

«Шарқ» нашриёт - матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти–20.00. Босишга топширилди 20.00.

МАНЗИЛИМИЗ: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси-32.